



ERKIN YURT

ИСЛОМ КАРИМОВ НАЗАРБОЕВНИНГ ОҚЎРДАСИДА 22 ДАҚИҚА ГАПИРДИ...



Ислон Каримовнинг кўшни Қозоғистонга сафари хақида ёзар экан, ўзбек расмий матбуоти хар доимгидай “қизғончик”лик қилди. Ўзбекистонликларнинг сафар тасуротлари хақида билганлари шу бўлдики, Астанада елбасы ва юртбоши хеч қачон очиқланмайдиган қанақадир икки томонлама келишувлар ҳамда негадир “тоборо кенгайиб бораётган”лиги айтилаётган иқтисодий ҳамкорликни яна қандайдир янги форматга кўтариш хақида бир уюм қоғозлар имзоланган. Ўз президентларининг хар бир қарори ва сафари хеч қандай хайир келтирмаслигини биладиган Ўзбекистон ахалиси, Каримовнинг Қозоғистон сафаридан кейинги салбий ўзгаришларни юрак ховучлаб кутиб ўтиришибди. Қозоқ матбуотини варақлаб, Каримовнинг “бир девор кўшнисини” томонидан қандай кутиб олинганидан тортиб, улар ўртасида қандай мавзуларда сўз боргани хақида бир нечта маълумотлар топдик.

“Оқўрдада илк бора кимдир Нурсултон Назарбоевдан ҳам кўп гапирди” деб ёзди “Время” нашри.

“Президентча дипломатия” деб мақолада, Ўзбекистон президенти Ислон Каримов Қозоғистон сафарининг иккинчи куни Остонада оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув чоғида 22 дақиқа нутқ сўзлагани хақида ёзилган. Қозоғистон президентига эса регламентда кўрсатилган 5 дақиқа етарли бўлган.

“Ислон Каримовнинг нутқи қаҳрли оханги билан ажралиб турди” деб ёзди “Время” нашри.

Нашр шунингдек, Каримовни Нурсултон Назарбоевнинг шахсан ўзи кутиб олганига эътибор беради. “Агар Ислон Каримовнинг Нурсултон Назарбоев томонидан Остонанинг 10 йиллик

юбилейи тантаналарига шахсан таклифини назарга илмаганини, 2010 йилда ОБСЕнинг Остона анжуманига ҳам ўзи келмасдан ташқи ишлар вазирини юборганини ёддан чиқарсак, бунда гайриоддий нарсанинг ўзи йўқ” дейди киноя билан “Время” нашри.

Ёпиқ эшиклар ортида ўтган мулоқотлардан сўнг икки президент турли саволларга нишон бўлиш учун Остонага йиғилган журналистлар хузурига чиқишган. «Каримов ва Назарбоев худди ака укалар каби олдимизга чиқиб келишди. Назарбоев дипломатик, Каримов эса инкор қилиб бўлмайдиган охангда, бир хил нарсалар хақида гапиришди» деб ёзди яна «Время».

- Сирдарё ва Амударёнинг юқори қисмида яшовчи кўшни ҳамда биродарлармизга яна бир қардошлик саломи йўллаб, биз, яъни дарёларнинг кўйи оқимида жойлашган Қозоғистон ва Ўзбекистон, сув тақчиллигидан кўпроқ зарар кўришимизни эслатиб ўтамиз. Умид қиламизки, муамоларнинг барчасини ҳамкорликда ва ҳаммамизга фойдали бўлган томонларини кўзлаб хал қиламиз, - деган Қозоғистон президенти ўзининг 5 дақиқалик нутқида.

«Время» нашрининг ёзишича Ислон Каримов 22 дақиқа гапирган. «Гуёки, Назарбоевнинг «дипломатик саломи» кўшнилариинг у қулоғидан кириб бунисидан чиқиб кетади деб ўйлаган ўзбек юртбошиси, уларга масалани бошқача охангда тушунтиришга уринди» дейди киноя билан «Время».

- Амударё ва Сирдарёнинг юқорисида яшовчи Тожикистон ва Қирғизистон, дарёлар ҳаммамизга тегишли эканлигини унутганга ўхшайдилар! Мархамат қилиб, халқаро меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинг, бунинг учун БМТнинг нақт тўртта конвенцияси бор! Бу чигалликлар чуқурлашаверса, нафақат қарама қаршилиқ, хаттоки уруш келиб чиқиши мумкин! – деди Каримов ўзининг кўшни мамлакатлардаги ҳамкасбларига.

Ислон Каримов Тожикистонда қурилайётган Роғун ГЭСининг баландлиги 350 метрли, Қирғизистондаги Қамбар ота ГЭСининг баландлиги 275 метрли тўғонини кўзда тутаётганиди.

(Давоми 2-Бетда)

ВАНКУВЕРДА ЎХХНИНГ НОРОЗИЛИК ПИКЕТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Канада бўлими фаоллари, 2 сентябр куни Ванкувер шаҳридаги Марказий кутубхона олдида навбатдаги норозилик пикетини ўтказиш учун йиғилишди.

(Давоми 2-Бетда)

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

Бу самолётлар бошқаруви Ал Қоида “Террорист”лари томонидан қўлга киритилиб, ичидаги йўловчилари билан бирга ўша биноларга урилиб ҳалок бўлганлари айтилади.

(Давоми 3-Бетда)

БУЮҚ КЕЛАЖАККА РОСАЯМ ЯҚИН ҚОЛДИ

Ўзбекистон президенти Ислон Каримов Афғонистонда коалиция кучларининг олиб чиқилиши муносабати билан минтақада хавфсизлик чораларини кучайтиришга қақирди, дея хабар беради Қозоғистон ОАВ.

(Давоми 3-Бетда)

КАРИМОВНИ ҲАММА ЁМОН КЎРАДИ, АММО...

Сўнги бир икки ойда Ўзбекистонга, хусусан ватанимизнинг келажакига алоқали баъзи муҳим ишоратлар ўртага чиқа бошлади:

Диктатор Каримовнинг ўз ўрнига тўнғич кизи Гулнорани тайёрлаётганига бу савиясиз хоним рекламасининг республикада ошкор ҳолга келгани далил бўлади.

(Давоми 4-Бетда)

“МТС-УЗБЕКИСТАН”ГА ҲУЖУМНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ

Бу жанжалнинг бевосита сабабларига ўтишдан олдин, шунини айтиш керакки, ўз вақтида Бехзод Аҳмедов “МТС-Узбекистан” директори курсисини, аёлининг Ўзбекистон президентининг кичик кизи Лола Каримова билан дўстлиги орқали эгаллаган эди. Гап шундаки, Б.Аҳмедованинг аёли Л.Каримова билан Тошкент Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси университетига бирга тахсил олган даврлардан буён яқин дугоналар эди.

(Давоми 11-12-Бетларда)

ВАНКУВЕРДА ЎХХНИНГ НОРОЗИЛИК ПИКЕТИ БЎЛИБ ЎТДИ



Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Канада бўлими фаоллари, 2 сентябр куни Ванкувер шаҳридаги Марказий кутубхона олдида навбатдаги норозилик пикетини ўтказиш учун йиғилишди. Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йилиги муносабати билан, мамлакатдаги қонли диктурага қарши ўтказиладиган ушбу норозилик пикети доирасида, ҳаракат фаоллари Ўзбекистонда ноқонуний болалар меҳнатига қарши Петицияга имзо йиғишни ҳам режалаштирганлар.

Уларнинг қўлларида инглиз, рус ва турк тилларида ёзилган Ўзбекистондаги диктаторлик режими-нинг башарасини фош қилувчи плакат ва шиорлар бор эди. ЎХХнинг Канадалик фаоллари Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган 1 сентябр кунига бағишланган мана шу пикет орқали, мамлакатдаги ҳукмрон диктаторлик режимига ўз нафратларини ифода қилишди. Ҳаракат фаоли Пирмухаммад Холмухаммаднинг айтишича, уларни бугунги пикетга етаклаган сабаблар етарли.

“Биз бугун бу ерга, Ўзбекистондаги зулм ҳақида Канадаликларга айтиб бериш учун йиғилдик. Мустақиллик эълон қилинган кундан буён, ўзбек халқи Каримов зулми остида яшаб келаяпти. Биз бугун бу ерга нафақат каримовча мустақилликка қарши сўз айтиш учун, балки Андижонда отиб ташланган фуқароларни ёдга олиш учун ҳам чиқдик. Россияда бир бурда насиба топиш учун тентираб юрган ўзбеклар ҳаққи учун чиқдик бу ерга. Жаслик каби концлагер ва бошқа қамоқхоналарда азоб чекаётган минглаб беғунох маҳбусларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш учун йиғилдик бу ерга. Ўзбекистон халқ ҳаракати фаоллари, мамлакатда каримов режими бор экан, уни иқитиш учун курашдан тўхтамайдилар” деди Пирмухаммад Холмухаммад.

Мухаммад Исломов, ЎХХ Канада бўлимининг энг ёши улуг фаоларидан. Унинг Ўзбекистондаги бугунги вазият, ҳамда Каримов ва демократик ғарб ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фикрлари анча кескин янграйди.

“Мен бир нарсага хайронман: Нега бугун каримовнинг режими-ни ўзини демократия тимсоли ҳисобловчи АКШ маъмурияти қўллаяпти? Ёки америкаликлар ўзбек халқини йўқ қилиб ташлаб, каримов ва унинг тўдасининг мустақиллигини таъминламоқчимиз? Бугунгача миллионлаб одамларга зиён етказган каримов террорини Россия ҳукумати ҳам тўлиқ қўллаб келаяпти. Бугун диктатор Каримов билан қучоқ очиб қўришаётган демократик мамлакатларнинг вакиллари ўзбекистон диктаторининг жиноят-

ларини яхши биладилар. Бироқ, моддий ва сиёсий манфаатлар бугун уларнинг кўзларига парда солган. Америка президенти Барак Обама ва Россия президенти Путинга шуни эслатардимки, Ўзбекистонда бугун мустақиллик йўқ. У ерда бугун ўз халқини қираётган қонхўр диктатор бор ҳолос” Ванкуверда дунёнинг турли бурчагидан келган миллатлар истиқомат қилишади. Шаҳар кўчалари хар доим сайёҳлар ва талабалар билан гавжум. Уларнинг қўпчилиги ЎХХ фаолларининг қўлларидаги шиорларларга қизиқиш билан, баъзилари эса хайрат билан қарашди. Хайратланганлар орасида икки нафар Ўзбекистонлик талаба ҳам бор эди. Пикетчиларнинг қўлларида шиорлар бу ёш йигит ва қизнинг кўзларига киши билмас хавотир соясини солгани сезилиб турган бўлсада, улар ҳаракат фаоли Пирмухаммаднинг тушунтиришларини сабр билан тинглашди. Ҳаракат фаолларидан бири – Шухрат Қурбоннинг айтишича, 1 сентябрдаги мустақиллик байрамидан сўнг, Ўзбекистондаги минглаб мактаб ўқувчиларини пахта далаларига ҳайдалади. “Ҳаракатимиз, ўзбек болаларини пахта даларида қўлдек ишлатилишини қоралайди ва айнан мана шу шармандали холатни тугатиш учун қабул қилинган Петицияни бугун ҳаммамиз имзолаймиз” дейди Шухрат Қурбон.

ЎХХнинг Канада бўлими фаоллари Ванкувер шаҳрида 2 сентябр куни бўлиб ўтган пикет якунида Ўзбекистондаги ноқонуний болалар меҳнатига барҳам бериш ҳақидаги петицияни имзоладилар.

Улугбек Хайдаров

ИСЛОМ КАРИМОВ НАЗАРБОЕВНИНГ ОҚЎРДАСИДА 22 ДАҚИҚА ГАПИРДИ...

(Давоми: Боши 1-бетда)

«Время» нашри, Ислом Каримовнинг куйидаги сўзларини келтиради. «Улар (Қирғизистон ва Тожикистон) ўзларича Гиннеснинг рекордлар рўйхатига киришни ҳаёл қилишяпти шекилли, бироқ бу ерда юзлаб инсонлар ҳаёти ҳақида гап кетаяпти! Қурилайтган икки ГЭС ҳам сейсмик фаол ҳудудда қурилайтганлиги эса вазиятни янада чигаллаштиради. 50 ёки 100 метрлик сув тўлкини пастликка қараб тушаётганини ва ҳамма нарсани яқсон қилаётганини тасавур қила оласизми? Биз Қирғизистон ва Тожикистоннинг янги энергия манбаига муҳтожлигини биламиз, бироқ биз оддий ҳақиқатни билишни истаймиз: мана шу тўғонлар қуриб битказилса нима бўлади? Дарёлар йўли тўғонлар билан тўсилгач, биз эртага қанча микдорда сув оламиз?

Бу биз учун ҳаёт ва тақдир масаласидир! Шунинг учун биз илтимос қилардикки, қурилиш бошлашдан ва қанақадир буюк давлатлар билан қурилиш ҳақида шартнома қилишдан олдин, келинг, аввал халқаро объектив экспертиза ҳулосасига эга бўлайлик». Ушбу мақола, интернет саҳифаларида ва «Время» нашрининг веб саҳифасида пайдо бўлгач, унинг остида Каримов шайнига айтилган жуда кўп захархандали ва кинояли изоҳлар пайдо бўлди. «Андижонда одамларнинг ўққа тутилганини ҳам халқаро текширувдан ўтказайлик», деб ёзади ўзини Дружба деб номлаган изоҳчи. «Андижон жаллоди ўз халқини ўйлайдиган бўлиб қолибдими? ИшАК Орол денгизи тақдири ҳақида ўйласин. Айнан унинг пахтаси туфайли мана шу экологик фалокат содир бўлди.

Ўлмаш Кашшей Ўзбекистонда 17 та йирик сув омбори қурилганини ва уларда қатта микдордаги сув бекорга исроф бўлаётганини гўёки билмайди...» дейди Richardson номли изоҳчи.

Каримов, журналистлар билан учрашув вақти тугаганини эслатиб, матбуот анжуманини ёпиқ деб эълон қилаётган Оқўрда протокол ходимининг сўзларини бўлиб, хайронлик билан, «Матбуотнинг саволлари йўқми?» деб сўрайди. Зал унга сукут билан жавоб беради. - Демак, саволлар аниқ йўқ-а? – деб сўради журналистлардан табассум билан Назарбоев- Майли унда... Икки президент чиқиб эшиги олдида тўхташиб, яна бир маротаба саволлар бор ёки йўқлиги билан қизиқишди. Кейин хайрон бўлганча елкаларини қисиб, зални тарк этишган.

Журналист Улугбек Хайдаров тайёрлади.

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

(2001 йил 11 сентябрдан
воқеаларига 11 йилдан сўнг бир
назар)

Шу бугунгача матбуотда Жаҳон тижорат ташкилотининг эгизак биноларига самолёт келиб урилган дунёнинг кулаб тушгани ва бу фалокатда қўлаб одамлар ҳалок бўлгани, шунингдек, Пентагон биносига келиб урилган самолёт АҚШ Мудофаа вазирлиги биносига шикаст етказгани ва бошқа бир самолётни манзилга етмай кулаб тушгани қайта қайта кўрсатилади. Бу самолётлар бошқаруви Ал Қоида “Террорист”лари томонидан қўлга киритилиб, ичидаги йўловчилари билан бирга ўша биноларга урилиб ҳалок бўлганлари айтилади. Ҳар ҳолда расмий версия шундай. Бундан ташқари қўлаб АҚШлик фукаралар, жамоат арбоблари (бу версияга бутун дунёда ҳам қўшилаётганлар қўлаб топилади) бу версияни қатъиян рад қилди. Ва бу ишни бир гуруҳ “террористлар” амалга ошириши мумкин бўлмаган иш эканини ва уни АҚШнинг ўз махфий хизматлари томонидан амалга оширилган махсус операция эканини ургўлайдилар. Бу фалокат ҳақида шу икки хил фикр ҳалигача ҳукмрон.

Иккала фикр тарафдорлари ҳам дунё бўйлаб етарлича топилади. Нима бўлганда ҳам шу фалокатда қўлаб беғуноҳ инсонлар ҳалок бўлдилар. Бу хуруж оқибати эса, дунё сиёсати йўналишини АҚШнинг манфаатига ўзгартирди. Ўша йили октябр ойида АҚШ бошчилигида НАТО ҳарбийлари Афғонистонда Толибон режимига қарши кенг миқёсда уруш бошлади. Ўз позицияларидан чекинган Толибон ва уни иттифокчилари

партизанлик курашига ўтдилар. Ва бу уруш ҳалигача давом этаётди. Ҳалигача НАТО узил кесил ғалабага эришганини иттифокчилар билан 2003 йил март ойида эса АҚШ атом бомбаси бор деган иттифокчилар билан Ироқга уруш бошлади. 1 миллионлик армияга эга Саддам Хусайн режими бир ҳафтага бормасдан кулади. Саддамни ушлаб дорга осиди.

Бу қанчалик халқаро қонунларга мувофиқ келадиган иш эканлиги бу мақола мавзусига кирмайди. Бу уруш айтиш мумкинки, АҚШни тўла ғалабаси билан яқун топди. Лекин, Ироқда партизанлик уруши олиб бораётган кичик гуруҳлар ҳалигача мавжуддир. Аммо, диктатор Саддам Армийаси деярли урушсиз таслим бўлди. Афғонистонда эса бунинг аксини кузатиш мумкин.

У ерда гарчи Толибон ҳаракати очик жангга чиқмай партизан уруши бошлаган эса-да, бу уруш АҚШ ва уни иттифокчилари кутганидан кўра анча кўпга чўзилди. Усома Бин Лодинни ўлдирган ва Толибонни ҳукуматдан кетказиб, ўрнига Қарзай ҳукуматини ўрнатган АҚШ 2014 йилда Афғонистонни тарк этишини маълум қилганди. Бу билан уруш ўз мақсадларига эришганликни иттифокчилар билан қилишлари тушунарлидир. Лекин, кейинги воқеалар шунини кўрсатаётдики, бу уруш АҚШ чиқиб кетганидан сўнг янада авж олиш эҳтимоли борлиги аниқроқга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам ўша 2001 йил 11 сентябрдан сўнг АҚШ ўз иттифокчилари билан дунёга ҳукмронлик қилиш ва ўзларига маъқул бўлмаган режимларни “адабини” бериб қўйиш учун “ҳуқуқий асос”га эга бўлди. Ва асосийси



дунёдаги барча диктатор режимларни кўзини қўрқитиб ўзига бўйсунмаслик оқибати ёмон бўлишини билдириб қўйди. Бу ҳолат то “Араб баҳори” бошлангунича давом этди. Араб баҳори натижасида АҚШ параст режимлар ҳам қулай бошлади. Халқ хусусан мусулмон халқлар ўз диктаторларини ағдаришга ўзларига куч топа олишди. Бу эса АҚШ каби манфаат устига қурилган сиёсат юргизувчи давлатлар учун қутилмаган ҳол бўлди. Бен Али ва Муборак режими кулаши уларнинг манфаатига хизмат қилмасди. Агар ҳар бир мамлакат халқи мана шундай ўзлари ўз зolim раҳбарларини кулатиб ўрнига ўзлари истаган адолатли тузумлар қураётган эканлар, АҚШнинг мусулмон оламида у ёки бу диктатор билан тил бириктириб олиб ўз манфаатини ўйлаб сиёсат олиб бориши имконсиз бўлиб қолажак. Бу эса 11 сентябр эвасига қўлга киритилган имконият, яъни, АҚШга бўйсунмайдиган кичик авторитар режимларни куч билан ағдариш имкониятини йўққа чиқаради. Шундай экан 11 йил давомида олиб борилган курашлар натижасиз қолиши мумкин. Буларнинг бари эса юз бериши тобора аниқ бўлган ва АҚШ манфаатига хизмат қилмайдиган эҳтимоллардир.

Абутов М.

Ўзбекистон президенти Ислам Каримов Афғонистонда коалиция кучларининг олиб чиқиши муносабати билан минтақада хавфсизлик чораларини кучайтиришга чақирди, дея хабар беради Қозоғистон ОАВ. «Агар шиддат билан ўзгараётган вазиятни, дунёдаги йирик давлатларнинг Марказий Осиё борасида манфаатлари ҳар доим ҳам бири-бирига мос келмаётганини ҳисобга олсак—ваҳоланки, Афғонистондан тинчликпарвар кучлар олиб чиқиши билан тангликнинг кучайиши яққол кўриниб турибди—Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва тинчликни сақлаш бўйича умумий ёндашуви ишлаб чиқиши ҳозирги пайтда алоҳида аҳамиятга эга, деди Каримов жума куни Астанада Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев билан кенгайтирилган тартибда учрашув чоғида. —Ишончим комилки, нафақат Қозоғистон ва Ўзбекистон президенти, балки қўшни давлатларнинг раҳбарлари ҳам ана шундай

БУЮК КЕЛАЖАККА РОСАЯМ ЯҚИН ҚОЛДИ

фикрда». (<http://uz.ca-news.org/news:13616>) Шунини айтиш лозимки, умумий ёндашуви ишлаб чиқиш бугунги кунда эҳтимолдан йироқ, чунки И.Каримов Ўзбекистонни умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш учун тузилган КХШТ таркибидан чиқариб олган. Бу эса Каримов қўлига қўшниларнинг ҳар қандай умумий ёндашувларига тўсиқ қўйиш учун етарли имконият беради. Бундан ташқари, бундай фикрга қўшни давлатларнинг президентларини ҳам сиртдан “шерик” қилишга уриниш ҳам ноўрин, чунки ҳамма қўшни давлатлар бундай позицияда эмаслиги маълум. Туркменистон раҳбарияти Афғонистон масаласида нейтралитетни сақлаб келади, ҳатто Толиблар билан савдо алоқаларини ҳам йўлга қўйган. Тожикистон учун эса қўшнилари орасида энг кўп муаммо айнан Каримов режими билан юзага келган муаммолардир. Чегаралардаги миналар ва

у ерда ўлаётган кўп сонли тинч аҳоли, Роғун ГЭС қурилишига қарши жанжаллар, юкларининг ўтказилмаслиги ва ҳ.к. масалалар Тожикистонни Афғонистондан кўра кўпроқ ўйлантириши табиий. Нега энди Афғонистон масаласида биргина Каримов ташвиш-ла югуриб-елиб қолди? Сабаби оддий: Афғонистон ҳудудига НАТО ва АҚШ қўшинлари қўшнилар орасида айнан Ўзбекистон тупроқларидан кирган эди. Бунақа хиёнатни эса афғонлар унутмайди, кечирмайди. Қарабсизки, НАТО кетиши билан, Каримовнинг бош оғриғи икки баробар кучаяди: унинг ҳузурига интилган УИХ ва бошқа қурулган муҳолифат ёнига Афғонистондаги маҳаллий кучлар ҳам қўшилади. Кейин нима бўлишини эса тасаввур этиши ҳам даҳшатли... Мана Фиръавн бурнига кириб олган пашшанинг исми! Ким билади, Дода ваъда қилган Буюк Келажак ҳам, аслида, шудир?!

Сўнги бир икки ойда Ўзбекистонга, хусусан ватанамизнинг келажагига алокали баъзи муҳим ишоратлар ўртага чиқа бошлади:

Диктатор Каримовнинг ўз ўрнига тўнгич кизи Гулнорани тайёрлаётганига бу савиясиз хоним рекламасининг республикада ошкор ҳолга келгани далил бўлади. (қаранг) Ўзбекистоннинг ОДКБ дан чиққандан кейин, шунингдек МТС Уздунробита ширкатини Каримов хонадони хонавайрон қилгандан кейин Русиянинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатидаги ўзгаришлар. (қаранг)

КАРИМОВНИ ҲАММА ЁМОН КЎРАДИ, АММО...

Гулнора Каримованинг Швецияда пул ювишга (банк операциялари орқали пул ўғирлашга) алоқаси борлиги ва бунинг фарда Ўзбекистон диктатори ва оиласининг йўқ обрўйини янада йўққа чиқаришига ишорат эканлиги. (uzmetronom.com) Ислом Каримов шахси ҳақида сенсацион мақолалар ёзган Усмон Ҳақназаровнинг қайта матбуот майдонига чиқиши...

Бу далиллар бир ҳақиқатнинг қайта таъкидланиши демакдир: Диктатор Каримовни Ўзбекистонда ҳам мамлакатимиз ташқарисида ҳам ҳеч ким яхши кўрмайди. Бу нафратнинг хорижий манбаларига юқоридаги линклар далил бўлади, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон диктаторидан Ўрта Осиё давлатларининг халқлари ва раҳбарлари, айниқса Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарларининг нафрат қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон халқи ичида Мустақиллик байрамида Тошкенда Ислом Каримовнинг рақсга тушишини бевосита томоша қилганларни ҳисобга олмаганда, қолган 30 миллион аҳолидан акли болиг, яъни вояга етганларнинг барчаси нафрат қилиши маълум. Бунинг далили миллионларча вағандошларимизнинг (тахминларга кўра бу беш ва ҳатто саккиз миллион кишидир) Каримов зулмидан чет элларга қочиб қетишидир. Каримов ва оиласидан Ўзбекистон муҳолифатининг нафрат қилиши ҳақида гапириб ўтрмасак ҳам бўлади. Чунки сиёсий бўлсин, ислоний бўлсин, муҳолифат аъзоларининг хар бири, уларнинг оилалари бевосита диктатор Каримовдан зулм кўрганлар... Хўш, диктатор Каримовга қарши бундай нафратни таъкидлашдан мақсад нима? Бу ҳақиқатни яна бир марта айтиш билан бирон нарса ўзгариб қоладими?

Бу саволга жавоб беришдан олдин Ўзбекистон диктаторига нисбатан нафратга алоқали бир хусусга изох бермоқчиман. Бу ҳам бўлса инсонларимизнинг ва халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон диктаторидан нафратланишига унинг ирқий келиб чиқиши ёки миллати сабаб ўрнида кўрилмаслиги керак. Ислом Каримовнинг ўзбек миллатига эмас, тожик

ёки кейинги вақтларда Ҳақназаров айтаётгани каби яҳудий миллатига мансублиги бу диктаторнинг шахсига нисбатан нафрат масаласининг асосини ташкил қилмайди ва қилмаслиги ҳам керак. Қолаверса, асли самарқандлик бўлган муҳолифатчи Алибой Йўляхши шахсан менга бундай иддоларнинг ҳақиқатга мос келмаслигини (яъни Каримовнинг яҳудий миллатига алоқаси йўқлигини) айтган эди. Ислом Каримовга бўлган умумий нафратнинг ҳақиқий сабаби унинг зolimлиги, деспотлиги, диктаторлиги, Ўзбекистон халқини 20 йил-



дан кўпроқ вақт ичида инсон ҳақ ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб келаётгани, ўзига муҳолиф бўлганларни эса сургун қилиши, қамаши, ўлдириши, қамоқхонада даҳшатли қийноққа солаётганидир. Каримовнинг бу зolimликда ҳеч қандай фитнадан, шу жумладан қонли террор ҳаракатларидан (1999 йилги Тошкент портлашлари ва 2005 йилдаги Андижон қатлиоми) қайтмаслигидир. Каримов шахсига қарши инсонларда нафрат уйғотган нарса мана шу ваҳшат ва давлат терроридир.. Бундай давлат террори албатта муҳолифатчиларнинг, шу жумладан унинг марказий кучи бўлган ЎХХ аъзоларининг Ўзбекистон диктаторининг шахсига нисбатан нафратига сабаб бўлди. Аммо Каримов ва унинг диктатура режимидан нафрат қилаётган фақатгина биз эмасмиз, албатта. Инсон ҳуқуқлари химоячилари Толиб Ёқубов, Ҳазраткул Худойберди, Ҳамид Пўлатов, Абдужалил Бойматов, Мўътабар Тожибоева ва бошқалар, социолог Баҳодир Мусаев, рассом Вячеслав Охунов, бирликчилар Алибой Йўляхши, Холиқназар Ғаниев, шоир ва ҳофиз Дадаҳон Ҳасан, янги бирдамликчилар Носир Зокир, Ботир Норбоев, Дилором Исҳоқова, Ўзбекистонда диктатурага қарши мардона курашаётган Отаназар Орипов, Абдулла Тожибоев, Нигора Ҳидоятובה, чет эллардаги радиоларнинг ўзбек бўлимларида ишлаётган ҳамюртларимиз, Узнос ва Фарғона хабар агентликлари, исми янги жамоатчилик назарига тушган Шавкат Муҳаммад, сиёсатшунослар Тошпўлат Юлдашев, Камоллидин Робимов, мустақиллик йилларида сиёсатга алоқаси бўлган Фазлиддин Ёқуб... Бирликчилар, эркчилар, оддий мусулмонлар вағандаги баъзи уламолар ва хориждаги уламоларнинг асо-

сий қисми, ҳизбчилар, акромийлар... Буларнинг барчаси Ўзбекистондаги диктатурани ёмон кўради, деб ўйлайман. Хўш, Ўзбекистон диктаторини ёмон кўришнинг амалий кўриниши қандай бўлиши керак? Бу қандай қилиб бўлмасин Ислом Каримов режаляётгандек диктаторнинг ўрнига кизи Гулнорани тайинлашига қарши чиқиш, бу йўлда халқни ҳаракатга кечириш, халқаро жамоатчиликнинг ёрдамини олиб, Ўзбекистонда халқимизнинг маънавий ва миллий кадриятларига, инсон ҳақлари умумжаҳон баённомасига,

эркинлик, адолат ва ҳуқуққа асосланган фуқаровий жамият куриш йўлида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва имкони борича бу йўлда кучни бирлаштиришдир. Бундай куч бирлигига биз Миср собиқ диктатори Хусни Муборакнинг йиқилишига олиб келган Таҳрир майдонидаги халқ кўзғолонида гувоҳ бўлган эдик. Таҳрир майдонида мусулмонлар, насронийлар, қибтийлар, Ихвон ҳаракати, салафийлар, дунёвийлик (секуляр тузум) тарафдорлари тарафдорлари, ёшлар ва аёллар, ҳуллас Миср халқини ташкил қилувчи барча ижтимоий сиёсий, диний ва нодиний ташкилотларнинг вакиллари-ни кўрган эдик. Улар Таҳрир майдонида "Йўқолсин диктатура, яшасин эркинлик ва адолат", дея ҳайқирган эдилар... Зулмдан нафрат этиб, унинг ўрнига адолатни ўрнатишни истайдиганларга ярашадиган амалий эш албатта мана шундай амалий ҳаракатдан иборат бўлиши керак. Бундай амалий ҳаракат энг камида уч асосга таяниши керак, деб ўйлайман:

1. Ўтиш даврида ҳаммани қониктирадиган ғоявий ва сиёсий жабҳа (платформ).
2. Бир сиёсий ҳаракатга бирлашиш ёки бундай ҳаракат билан ҳамкорлик қилиш.
3. Бир сиёсий лидерни қўллаб қувватлаш.

1. Ўтиш даврида ҳаммани қониктирадиган ғоявий ва сиёсий жабҳа (платформ)нинг моҳияти. Бу билан мен бу ерда номлари зикр қилинган шахслар, ҳаракатлар, ташкилотларнинг бир хил ғоя ва сиёсий қарашга эга бўлишларини назарда тутмаяпман. Зотан, бунинг имкони ҳам йўқ. Ҳамма ўзи эътикод қилган кадриятга эргашишга айна даражада ҳақлидир. Аммо Каримов диктатурасидан фуқаровий жамиятга ўтишда ҳаммани қониктирадиган ижтимоий сиёсий заминга эҳтиёж борлиги ҳам бир ҳақиқатдир. Бундай заминни фуқароларга яшаш ҳаққи, эътикод ва сиёсий эркинликлар, мол мулк ортириш ва уни кўриш ҳаққи, инсон шарафини ва номусини ерга урмаслик ҳақ ва ҳуқуқлари ташкил қилиш керак, дея ўйлаймиз.

(Давоми кейинги сонда)



КАРИМОВ РОССИЯЛИК МИЛЛИАРДЕРГА ВЕРТОЛЕТ СОВҒА ҚИЛДИ

Ўзбекистон президенти, Россиялик мултимиллиардер Алик Ибрагимовга, ўғлининг никоҳ тўйи муносабати билан вертолет совға қилгани хақида, Россия матбуотида хабарлар пайдо бўлди.

Россиялик машҳур актер, Грузия ва Чувашия халқ артисти унвониғахам сазовор кўрилган Станислав Садальский ўзининг блогида, Россиялик таниқли бой хонадонида бўлиб ўтган

тўйнинг қизиқарли тафсилотларини ёзди.

Москвадаги Черкизов бозорининг собиқ хўжайини, Еврооосиё Еврейлар Конгресси вице президенти миллиардер Тельман Исмаиловга қарашли Анталия шаҳридаги хашаматли мехмонхонада бўлиб ўтган тўйга кўплаб таниқли мехмонлар қаторида актер Станислав Садальский ҳам ташриф буюрган.

Актернинг ёзишича, ўта хашаматли ва дабдабали тўйга, таниқли хорижлик санъат усталари билан бир қаторда постсовет худуди республикаларининг сийёсатчилари ҳам етиб келишган. Садальскийнинг ёзишича, ҳар бир келган таниқли мехмон, 3 нафар тан

соқчиси билан ташриф буюришган. Улар тўйхона сохибига асосан қимматбаҳо олтин ва олмосдан тайёрланган қимматбаҳо буюмлар ҳада қилишган.

- Ажабланарлиси, турк соқчилари жуда кам эди. Лекин ҳар бир келган мехмон ўзи билан энг ками уч нафар каллакасар билан келган эди! Келин куёвга жуда кўп тақинчоқлар ва бир уюм тилла қутилар топширишди.

Ўзбекистон президенти эса вертолет совға қилди, – деб ёзган ўзининг блогида Россиялик актер.

livejournal.com

Журналист Улугбек Хайдаров тайёрлади.

ЎЗБЕКЛАР ПАХТАГА “МОЛДЕК” ТАШИЛМОҚДА

Сентябрнинг илк кунларидан Ўзбекистон шаҳар-қишлоқлари, жумладан пойтахт Тошкентдаги талаба ва ўқитувчилар, врач ва олимлар пахта теримиға ҳайдалди. Ана шу ҳайдалганлардан бири Озодликка йўллаган хат ва суратларидан бу жараённинг қандай кечаётгани хақида тасаввур ҳосил бўлади. Одамларни молга ўхшатиб ташишяпти, битта рейсда битта машинаға 120-140 тадан одам ташишяпти. Бурилишларда, тормоз бергандаги аҳволни

тасаввур қилаверинг. Берган овқатини мол ҳам емайди. Ётган жойимиздан зах ўтиб кетди. Транспорти нормал қилинглар десак, раҳбарият бундан ортиғини қилиб беролмаймиз дейди. Бир кунлик норма 60 килограмм. Теролмасак, ҳар бир килограмм пахтани 200 сўмдан 500 сўмгача сотиб олиб нормани бажараяпмиз. Оппоқ қилиб теринглар, дейди. Озгина барг қўшилган бўлса ҳам қайтаришяпти. Одамнинг жонига тегди.



Берган овқатининг калорияси йўқ. Одамға бу даражада молға ўхшаб муомала қилмаслик ҳам керакда.

ozodlik.org

БЎЛИШИ МУМКИН

Орзулар балки, рўё,
Бир кун, бўлиши мумкин?!
Зулмат ортидан зиё,
Балким, келиши мумкин?!
Кураш борича имкон,
Лекин унутма ҳар он,
Ажал етса, ногаҳон,
Одам ўлиши мумкин?!
Бу гапда бор киноя,
Тушунганга кифоя,
Мен қилмасам ниҳоя,
Кимдир, қилиши мумкин?!
Баён айлайин роъйим,
Мадакоринг Худойим,
Йиғлаганлар ҳар доим,
Бир кун, қулиши мумкин?!
Асл ватанни қил ёд,
Бас қил, дод ила фарёд,
Билки, ҳар одамизод,
Гулдек, сўлиши мумкин?!
Дунёни кезиб юриб,
Қўрмаганинги кўриб,
Ўйланиб фикр суриб,
Ақлинг тўлиши мумкин?!
Қирқдан ошдинг Сахвиё,
Ҳали топмадинг зиё,
Амал бўлса бериё,
Мақбул бўлиши мумкин?!

Мавж урган тўлқинлар қаъриға ўзим,
Отиб, сув бағриға урилгим келди.
Узоқларға қоқиб туриб, барибир,
Ортимға бир қараб, бурилгим келди.
Соғинар ёшлиқни қўмсайди кўнгил,
Орзу қилишлиқдан тўлсайди кўнгил,
Осмондек бепоён бўлсайди кўнгил,
Қирларда думалаб, сурилгим келди.
Битар муаммолар дунёси битга,
Бўлар бир натижа, сабр ила кутгач,
Кўз очилар одам, дунёдан ўтгач,
Мен ўлмасдан бурун, тирилгим келди.

Ҳақ йўлидан қайтма

Муҳаббат сўздамас, меҳр кўздамас,
Асли, юрак меҳри, сўзда бўлади.
Мантисиз, маъносиз, сеҳр сўздамас,
Дилни тортар сеҳри, юзда бўлади.
Кўнгил ифодаси изҳордир сўздан,
Қаҳр ила меҳрни англарсан юздан,
Фақат меҳр излаш, хатодир кўздан,
Баъзан, дилни қаҳри, кўзда бўлади.
Нурафшон паллада, шабнам керакмас,
Шод яшагил дилға, ҳеч ғам керакмас,
Маъноси бўлмаса, гап ҳам керакмас,
Таомнинг мазаси, тузда бўлади.
Начора, бу ҳаёт шундай, ўқинма,
Қисматинга шукр айла, чекинма,
Қаҳратонда қолдим дея, юқинма,

Шаффоқлик, тозалик, музда бўлади.
Ҳаётда салафлар манҳажин тутгил,
Ҳақ йўлидан қайтма, курашиб ўтгил,
Бир натижа бўлар, шошилмай, кутгил,
Жўжани санашлик, кузда бўлади.

ФУАДГА АТАБ

(2012 йил 24 сентябрда Фуад Рустамхўжаев отиб кетилганиға бир йил тўлади)

Бир пастда бир йил ҳам ўтиб кетибди,
Эй дўстим, бу ҳаёт шундай беамон.
Гўё, дилда ғаминг битиб кетибди,
Лекин, унутдинглар дейишлик, ёлғон!
Сенсиз, сафларимиз қолди заифлаб,
Буюк эди ўрнинг, буюк курашда.
Биз ҳануз сафдамиз, юрибмиз эплаб,
Ҳеч тўлмади ўрнинг, кўнгиллар гашда.
Сенға кифоядир шаҳодат қони,
Яратган Розикдир зурриётинга.
Мангу иззатдадир, шахидлар жони,
Шарафлар битилгай сенин отинга.
Сен, зулмға қарши тик тураолган,
Ҳазий боболарнинг қучоғидасан.
Адолат байроғин баланд кўтарган,
Авлодлар дилинда, ардоғидасан.

М. Абутов

2012 йил 7 сентябрь

ГУЛНОРА КАРИМОВА БИЛАН ИНТЕРПОЛ ШУҒУЛЛАНИШИ МУМКИН

Lombard Odier банкида ҳисоб очган шахслар Швейцария прокуратурасига келишмаса Ўзбекистон президентининг тўнғич кизига Интерпол тармоғи орқали қидирув эълон қилиниши мумкин.

Бу эҳтимол ҳақида “Швейцариянинг муайян ташкилотлари”га таянган ҳолда сиёсий Интернет форумдан фойдаланувчи Виталий Афанасенко ёзади.

Июлнинг охирида Lombard Odier банки офисида Ўзбекистон фуқаролари – Coca Cola Uzbekistan ширкати менежерлари Шохрух Собиров ва Алишер Эргашевлар ҳибсга олинган – швейцария прокуратураси уларга қарши пул ювиш гумони бўйича жиноий иш қўзғайди.

Улардан ташқари швейцария ҳукуқтартибот идоралари эътибори Ўзбекистоннинг тагин икки фуқароси – Швейцария банкларида номига депозит ячейкалари расмийлаштирилган Авакян, шахсига қаратилди. Молиявий фирибгарликларнинг тўртинчи гумондори номи очикланмади.

Афанасенко Швейцария прокуратураси Каримова “бандаси”нинг Lombard

Odier орқали пул ювгани борасида “етарли ва тасдиқланган” ахборотларга эга эканлиги ҳақида ёзади.

Қамокка олинган маҳкумлар – Собиров ва Эргашевларнинг компьютерларидаги ахборотлар, Каримова гуруҳининг оффшор зоналарида, шунингдек Бирларшган Араб Амирликлари ва Тайландда пул ювиш дея малакаланувчи шубҳали молия амалиётларини ўтказгани ҳақида ахборотлар бор.

Тергов ахборотларининг сизиши шарофати билан, Авакян номига бир қанча швейцария банкларида депозит ячейкалари очилгани, уларда терговчилар мисли қўрилмаган бойликлар борлигини фош қилишган.

Бир қанча шахсий сейфларда қуйма олтинлар, нодир антиквар буюмлар, нақд евро, АКШ долларлари ва швейцарских франклари сақланган. Ячейкалардаги бойликларнинг Швейцарияга қандай келиб қолгани, уларга Каримованинг алоқаси бор-йўқлигини аниқлагунига қадар улар музлатиб қўйилади.

Асосий версиялардан бирига кўра, олтин, антиквариат ва нақд пуллар



Швейцарияга Ўзбекистоннинг Женева офисида Ўзбекистон вакили лавозимидаги Каримованинг дипломатик тармоғи орқали келтирилган.

Бироқ Афанасенко, “Швейцариянинг тегишли идораларига” таяниб, шов-шувли ишдаги асосий ахборотлар, тергов манфаатлари юзасидан сир тутилишини, бироқ швейцария фискал идоралари Каримованинг ўзини ва банкларда номларига ҳисоб очилган унинг яқинларини терговга чақиришни мўлжаллаётганини билдиради.

«Акс ҳолда прокуратура Гулнора Каримовани Интернет орқали халқроқ кидирувга беради», – дея ёзади Афанасенко.

Uznews.net

ДЕВОНДА РАҲБАРНИНГ КОМПЬЮТЕРИДАН “ВАРАҚА” ЧИҚДИ



Сурхондарё вилоятининг “Газлаштириш” идорасида 2012 йилнинг январь ойидан бошлаб, текшириш ишлари бошланган эди.

Шу текшириш давомида, Сурхондарё вилояти газ таъминотидан, Республика бўйича кредиторлик қарзи, 30 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ушбу қарздорликни тугатиш ва унинг сабабларини ўрганиб чиқиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Газ холдинг компанияси” томонидан 2012 йилнинг 25 июл кунини “олти ойлик яқунлари бўйича”, Термиз шаҳрида йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда, “қарздор шаҳар ва туманларни газ таъминотидан узиб қўйиш” масаласи кун тартибда қўйилди. Йиғилиш натижаларига кўра, “Сурхондарё

вилоятига қарашли, Денов, Узун, Сарисий, Шўрчи, Қумқўрғон, Олтинсой, Қизилқум туманлари газ ёқилғисидан дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги борлиги учун, газ билан таъминлаш тўхтатилсин...” деган мазмунда қарор қабул қилинган эди... Орадан бир ой ўтар-

ўтмас, Сурхондарё вилояти Денов шаҳрига қарашли, “Газлаштириш” идорасини вилоят прокуратураси ва солиқ идоралари томонидан текширилди. Текшириш давомида эса, “Денов шаҳрида яшовчи фуқаролар газ таъминотидан кредиторлик қарзлари 10 миллиард сўмни, ташкилот ва корхоналарнинг қарздорлиги эса, 17 миллиард сўмга етмоқда...” деган мазмунда “далолатнома” тузилган. Ушбу текширув ишларидан сўнг, вилоят прокуратураси, Денов шаҳар, прокуратурасига “Тақдимнома” киритган. Юқорида қайт қилинган суммани ўндириб олиш мақсадида, шаҳар прокуратураси “Газтаъминлаш” идорасини яна қайтадан текширув ўтқизишган.

Натижаларга кўра: “Денов шаҳар, “газлаштириш” идорасининг раҳбари Абдусалом Чориевнинг идорасидаги компьютердан, “Ҳизбут-таҳрир” партиясига тегишли бўлган “варақа” чиққан...” Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167, 205 ва 159 моддаларига асосланиб, Абдусалом Чориевга нисбатан “жиноий иш” очилди ва Сурхондарё вилояти “жиноят ишлари бўйича суди” томонидан Абдусалом Чориев 15 йилга озодликдан маҳрум этилди...

Унинг яқин қариндошлари бирининг сўзига қараганда: “Абдусалом Чориевнинг “кресло”си кимгадир керак эди. Шу “иш” амалга оширилди. Идорада текширув ўтқазган прокуратура ходимлари компьютерни ўзларича ҳеч кимсдан сўриштирмай, икки кун олдин шаҳар прокуратурасига олиб кетишган эди.

Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг, компьютерни олиб кетган шаҳар прокурорининг хайдовчиси, Қамол исмли шахс, “компьютер текширувдан ўтказилди...” деган оғзаки гапни айтган ҳолда. Шундан кейин, “текширув” ишлари бошлаб юборилган эди...”

Мансуржон Фозилжонов
мустақил журналист

БОЙСУНДАГИ «САРИ МОЗОР» ЖОМЕЪ МАСЖИДИДА «ЭРК»ЧИГА ФАТВО БЕРИШДИ



2012 йил 31 августида Сурхондарё вилояти Бойсун туманига қарашли «Сари мазор» номли жомеъ масжидининг имоми, Сирожиддин Абдуллаев жума-хутбасини ўқишдан олдин, «минбар»га чиқиб, ўзининг қискагина эълони борлигини айтган. Ушбу эълонни эса, бойсунликлар олдида ўқиб эшиттирган... «Бойсун тумани С.Айний кўчасида яшовчи фуқаро Фахриддин Тиллаев Ҳабибуллаевич бундан кейин, туман «Сари мазор» жомеъ масжидида намоз ўқиши умуман таъқиқланади. У масжидга киритилмасин, фуқароларимиз билан суҳбатлашиши қатъиян ман этилсин! Ушбу эълон «Сари мазор» масжидининг эшиги олдида илиб қўйилсин ва унинг ижроси тўлиқ таъминлансин...» деб кўрсатма берган... Маълумингизким, 2012 йилнинг 26 март куни интернет сайтида чиқарилган, «БОЙСУНЛИК АВАНТЮРИСТ» номли мақола Сурхондарё вилоятига қарашли ОАВнинг газеталарида чоп этилган эди. Шундан сўнг, 2012 йил 8 август куни эса, «Бойсун» рўзномасида яна битта мақола пайдо бўлди. Мақола «ЎЗБЕКИСТОННИ ДЎЗАХГА ЎХШАТГАН КИМ ЎЗИ У?» номли сарлавҳа остида чоп этилган. Мақола муаллифлари эса, туман «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ҳалил Акрамов ва «Нуроний» жамғармасининг раиси Ҳидир Чоршанбиевлар.

Сизга маълумки, 2012 йил май ойида, «Сизни Ўзбекистон миллий телевидениесининг кўрсатувлари қониқтирадимиз?» эшиттириши «Озодлик» радиоси орқали берилган эди. Ушанда Фахриддин Тиллаев, «Ўзбекистон телевидениесини кўрган киши худди-ки, жаннатни кўргандек бўлади. Амалда эса, дўзахдан ҳеч қандай фарқи йўқ...» деб айтган сўзини, «Бойсун» газетасида «дастак» қилиб, «мақолача» чоп этишганлар. Газетада мақола чоп эттирган «муаллиф»лар Ўзбекистонни кўкларга кўтаришиб, «президент И.Каримовнинг олиб бораётган сиёсати нечоғли тўғри эканлиги, у кишининг сиёсатини ҳозирги жаҳоннинг барча давлатлари қўллаб-қувватлаётганлиги, хусусан бозор иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ўрناк бўлаётганлиги...» «Ўзбекистонда яшаш ва ишлаш – шараф, Сиз бундай юртни дунё кезиб тополмай-сиз...» «Ахир, бу Бойсун – жаннат-макон юрт. Бу ердан Алпомиш ва Барчинойлар етишиб чиккан. Худди шунингдек, Усмон Азим, Шукур Холмирзаев ва Эркин Аъзамовга ўхшаган ноёб, нодир инсонлар юртдир. Сиз ўшалардан ибрат олсангиз яхши бўлар эди. Сиз бизнинг сиёсатимизга тўғри келмайдиган қайсидир узокни кўра олмайдиган,

Ўзбекистондан ташкари ўзга юртларга юрган, «вагандалар» сафида бўлишингиз ва улар билан ҳамфирк туришингиз биз бойсунликлар учун отилган оғир тошдир деб биламиз... Шундай гўзал маконни, яъни Ўзбекистондай мамлакатни дўзахга ўхшатиш мумкин-ми?! Фахриддин, тавба қилинг!» деб кўрсатилган. Биз шу ўринда «Бойсун» газетасида мақола чоп этишда ёрдам бераётган айрим муаллифларига, худди шунингдек, Ўзбекистон МХХига икки оғиз сўзимиз бор. Фуқаро Ф.Тиллаевнинг оила ва аъзоларини ҳақ-хуқуқларини оёқ-ости қилдингиз, уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига тажовуз қилдингиз? Бирини ўлдирдингиз! Яна бирига нисбатан, автоавария содир эттирддингиз. Шунда фуқаро Ф.Тиллаев Ўзбекистон президенти И.Каримовга эмас, балки, Америка Қўшма Штатларининг президенти Барак Обамага ва БМТ раиси Пан Ги Мун жанобларига ўз ҳақ-хуқуқлари поймол бўлаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди. Сизлар эса, Фахриддинни «Бизнинг жамоамизга келиб намоз ўқишини таъқиқлаймиз»дебсиз. Балки, «Фахриддин эртага Бойсунга киритилмасин?» деб қарор чиқаришларингиз ҳам мумкин. Чунки, бу юртнинг «эгаси» фақат сизлар. Қизиги шундаки, Фахриддин Тиллаев, Бойсун тумани ИИБдан фуқаролик паспортини «счёт»дан чиқариб, Тошкент шаҳрида 7 август куни «прописка» қилганидан сўнг, яъни 8 август кунида мақолани чоп эттирмоқдасизлар. Нега Фахриддин Бойсун туманида бўлганида ва «масжиддан бадарға қилиш тўғрисида» ги мақолани чоп эттирмадингизлар? Яна мақолангизни бир жойида, «Фахриддин, тавба қилинг!» деб ўтибсизлар. Тўғри. Тавбани фақат бандаси Оллоҳга қилади! Сизга ёки Каримов ҳукуматида қилмайди...

Мансуржон Фозилжонов



ТОЛИБ АКАГА АТАБ

Улуғ ғоялардан суғорилган руҳ,
Яшади даҳрийлик истибдодида.
Ота боболарин васиятлари
Зеҳнин эгаллади ёшлик чоғида.
Уни синдирмади даҳрий ғоялар,
Синдира олмади оғир синов ҳам.
Елкасида олиб ўтди дунёни,
Ҳануз тугамади йўлида ғов ҳам.
Умри илм ила бахшида инсон,
Қадрини топмади даҳрий замонда.
Инсон ҳуқуқларин ҳимоя қилиш
Билан машғул бўлиб Ўзбекистонда.

Унинг илми, ақли, тафаккурини
Қамраб ололмади ноқис зеҳнлар.
Бу зотнинг борлиги, дил-шуурини
Ғанимат эканин билмасмикинлар?!
Қаранг, ҳар миллатнинг фозил доноси
Кексайган чоғида, яшар ардоқда.
Бутун умри ўтиб, кураш домида,
Хали тўхтамади қариган чоқда.
Аллоҳ ажр берсин хизматингизга,
Нонкўр миллат учун кадрсиз инсон.
Баён айлай дедим меҳримни сизга,
Мен учун қадрли, Устоз, Отахон.

М. Абутов
2012 йил 6 сентябр

МТС ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРШИ АҚШ ВА РОССИЯНИ ИШГА СОЛМОҚЧИ

“Илк ўринда Ўзбекистон ноқонуний ҳибсга олган ва ҳуқуқлари бузилаётган ходимларимизни озод қилсин” – дейди Би-би-си Ўзбек Хизмат билан суҳбатда МТС вакили Майкл Ҳеккер – “Ўзбекистонда фаолият юритишимизга яна рухсат берсин ва бизга қарши барча ноҳақ айбловларни бекор қилсин”.

Акс ҳолда, МТС вакиллари Ўзбекистон ҳуқуқатига қарши мавжуд халқаро қонунларни ва қолаверса, сиёсий воситаларни ишга солишмоқчи.

АҚШ ва Россия ҳуқуқатларида ҳам бу масалага қизиқиш қатта” – деб айтди Майкл Ҳеккер – “АҚШ конгрессмани тўғридан тўғри Президент Каримовга чиқиб, бу жиноий ҳатти-ҳаракатларин тўхтатишга ҳам қақирган”. Ўзбек ҳуқуқати МТСга қарши қатор иқтисодий жиноятлар бўйича иш қўзгаган.

Нагжида, мамлакатдаги энг йирик қўл телефони ширкати фаолияти тўхтаб, миллионлаб одамлар телефон алоқасидан маҳрум бўлишди.

МТСнинг Ўзбекистондаги “Ўздунробита” ширкатида ишлаган қатор раҳбар ходимлар ҳибсга олинган, ширкат мулклари музлатилган ҳамда фаолият юритишга оид барча рухсатномалари бекор қилинган. Ғарб матбуотига кўра, бунинг оқибатида МТС ширкати 1 миллиард АҚШ долларида кўпроқ йўқотишга учраган.

МТС ўзига қарши илгари сурилаётган айбловларни рад этади. Энди эса бу айбловлар бекор қилиниши йўлида, афтидан, Ўзбек ҳуқуқатига қарши халқаро қонуний ва сиёсий воситаларни ҳам ишга солиш ниятида. “Ўзбекистон ҳуқуқати қонун ва мантиққа мос иш тутиши лозим” – дейди ширкат вакили Майкл Ҳеккер



– “Акс ҳолда, Ўзбекистон ўзининг сармоя муҳитини вайрон этади”. МТС Ўзбекистондаги сармоя ва тижорат муҳити вақт сайин заҳарланиб кетаётганини айтади.

Ўзбекистонда фаолият юритган кўплаб хорижий ширкатлар бу мамлакатда тижорат юритиш ўта қийинлигини, коррупция авжига чиққанини ва хусусий мулк ҳамда тижоратларга ҳеч қандай қафолат берилмаслигини айтишади.

bbc.co.uk/uzbek



“ПАХТА КАМПАНИЯСИ” ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТГА БОСИМ ЎТКАЗИЛИШНИ СЎРАМОҚДА

Вашингтондаги “Пахта кампанияси” деб аталувчи ташкилот Ўзбекистон-Британия Савдо ва Саноат Кенгаши (UBTIC)га мурожаат этиб, Ўзбекистонда болалар меҳнатига чек қўйиш ва бу йилги пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labor Organization) мутахассисларининг мамлакатга киритилишига эришиш учун Тошкент ҳуқуқатига босим ўтказишни сўради.

Шу ой ўрталарида Ўзбекистон-Британия Савдо ва Саноат Кенгашининг 19-сессияси Тошкентда ўтказилиши kutilмоқда. Келаси ой эса UBTIC ҳомийлигида Тошкентда VIII Халқаро пахта ярмарқаси очилади.

“Ўзбекистон-Британия Савдо ва Саноат Кенгаши Тошкентда очилажак VIII Халқаро пахта ярмарқасига ҳомийлик қилиши ҳақида хабар топдик. Бу кенгаш Ўзбекистон пахта саноатини рағбатлантиришни камайтириб, мамлакатда болалар меҳнатини

таг-туби билан йўқ қилиш ва инсон ҳақлари ҳурмат қилинишига эришиш учун Ўзбекистон ҳуқуқатини конкрет чоралар кўришга ундаши лозим”, – дейилди Ўзбекистон-Британия Савдо ва Саноат Кенгаши раиси Питер Лилли номига йўлланган очиқ хатда. “Пахта кампанияси” ташкилотининг мазкур баёноти Ўзбекистонда пахта теримига оммавий сафарбарлик бошланган кезде янгради. Шу кунларда Ўзбекистонда корхона ходимлари, талабалар ва коллеж ўқувчилари пахтага жалб этилмоқда.

Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларнинг ҳам пахтага сафарбар этилгани ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Ўзбекистон ҳуқуқати бу йилги терим мавсумида мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб қилмаслик ҳақида Халқ таълими вазирлигига кўрсатма берган.

Бироқ бундай кўрсатмалар ав-

валги пахта мавсумларида ҳам бўлган ва бу болаларнинг пахта даласига ҳайдалиши муаммосига таъсир қилгани йўқ.

Ўзбекистонда ҳар йил мамлакатда юз минглаб болаларнинг пахтага мажбуран чиқарилиши кузатилади. Ҳуқуқат эса болалар меҳнатидан фойдаланишини давомли рад этиб келади. Тошкент расмийларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда болалар меҳнатини тақиқловчи

ҳалқаро конвенцияларни ратификация қилган ва маҳаллий қонунчиликнинг болаларнинг меҳнат ёшини тартибга солувчи бандлари халқаро қонунларга мувофиқ ҳолга келтирилган. - Ўзбекистонда болалар меҳнатини тақиқловчи қонунлар бор. Ҳуқуқат ҳам болалар эксплуатация қилинишини доим рад этиб келади. Лекин воқеликда ўтган йили аввалги йиллардаги каби ҳуқуқ фаоллари Ўзбекистонда кўпгина мактаблар ёпилиб, юз минглаб бола пахта даласига ҳайдалгани гувоҳи бўлишган, – дейди “Пахта кампанияси” ташкилоти раҳбари Мэттью Фишер-Дали.

Ўзбекистонда миллионлаб боланинг давлат томонидан мажбуран пахта даласида эксплуатация қилиб келинаётганига норозилик тариқасида жаҳоннинг 60 га яқин йирик ширкати ўзбек пахтасига бойкот эълон қилган.

ozodlik.org

Сентябрь бошланиши билан Ўзбекистонда “пахта кампанияси” бўлганида. Шунда нафақат фермерлар, балки давлат хизматчилари, талаба ва ўқувчилар ҳам пахта далаларига отланадилар. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати ўқувчи ва талабаларни пахта теримига жалб қилмаймиз, дея ваъда қилиб келадилар, шунга тегишли қарорларни қабул қиладилар. Аммо бюджет ташкилотлари ҳамда “юкори”дан кўрсатма олган хусусий компаниялар ходимларининг тақдирини аввали бошдан ҳал бўлган. Пахта терими мавсумида шаҳарликлардан фойдаланиш амалиёти шўролар даврдан қолган мерос. Аммо ҳозирги пайтда пахта теримига мажбурий олиб чиқиш амалиёти қулдорлик тузумидан кўпам фарқ қилмайди. “Фарғона” агентлигининг Тошкентдаги шарҳловчиси юзага келган вазиятни шарҳлаб бермоқда.

Ўзида ишлаб чиқарилган кўпалаб пахта терим машиналари аллақачон металлומга топшириб юборилган. Бунга икки сабаб бор: биринчидан, Ўзбекистонда машинасозлик саноати амалда тугатилди, иккинчидан эса, дизель ёқилғисининг нархи осмонга чиқиб кетди, қўл терими эса кул меҳнатидек арзон ва деярли текин. Порахўрлик ботқоғига ботган Ўзбекистон элитаси учун пахта



Ўзбекистон бозорларида тўс-тўполон кўтариб тажрибаси ортган спецназ кучларини ҳам жалб қилган. Мавсум бошланишидан аввал 2012 йил август ойида туман ҳокимлари саноат қорхоналаридан пахтага сафарбар қилинижак ходимларнинг рўйхатини, уларнинг яшаш манзилларини, паспорт маълумотларини беришни талаб қилдилар. Эҳтимол, пахтага олиб чиқиладиган одамларнинг паспортлари мавсум тугагунча тортиб олиниши мумкин бўлади. Бу йил пахта теримига магистрантлар, врачлар, мактабгача болалар муассасаларининг педагоглари мажбуран олиб чиқилади. Турган гап, мулк шаклидан қатъий назар, йирик саноат қорхоналарининг ишчи ва ходимлари ҳам пахтага борадилар. Баъзи қорхоналар пахта теримига “қул” жўнатиш мажбуриятдан озод қилинган, лекин бу ҳақдаги қарорлар энг юкори даражада

СОҚОВ ҚУЛЛАР, ЁҲУД ҚУРОЛЛАР ОСТИДА ПАХТА ТЕРИМИ

Жорий йилда расмийлар пахта теримига текин кучларни сафарбар қилиш бўйича мисли кўрилмаган чораларни кўрмоқдалар. Мавсум сентябрдан бошланиб кеч кузгача давом этади, шаҳарликларни ишдан қолдириб, иссиқ кўрпа-тўшагидан маҳрум этиб мажбуран пахта далаларига теримга жўнатадилар. Республика фуқароларининг анча катта қисми пахта терими мавсумида деярли қулга айланади. Ҳолбуки, Ўзбекистон аҳолиси зич ва меҳнатга лаёқатли одамлари керагидан ортиқ регион саналади, республика аҳолисининг миллионлаб фуқаролари хорижда пул топишга мажбур бўлиб мамлакатни тарк этган, бошқа миллионлаб одамлар эса мардикор бозорларини тўлдириб иш қидириб юрадилар, яна бошқалари эса кечгача бекорчиликдан зерикиб уйда ўтирадилар. Пахта далаларида теримчи қўллар етишмаслигининг асосий сабаби – давлат томонидан терилган пахта учун арзимаган иш ҳақи тўлаши ҳамда фермер хўжаликлари томонидан давлатга топшириладиган пахта учун арзон харид нархлари белгиланганида. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш воситаларига ҳамда ер ижарасига хусусий мулкчилик негизида тузилганига қарамай, уларнинг ҳар бирига директива шаклида давлатга пахта топшириш мажбурияти юкланган. Кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда жиддий нохушликларга дуч келиши мумкин: фермерни жисмоний жазога тортишлари (калтаклаш) ёки қамаб қўйишлари мумкин. Давлатга пахта топшириш режасини бажармаган фермерларнинг орасида ўз жонига суикасд қилгани ҳоллари ҳақида маълумотлар келб турибди. Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг деярли юз фоизи қўлда терилади. Авваллари мамлакатнинг

толасини сотиш асосий даромад манбаларидан саналади. Фермерлар ўзлари етиштирган ҳосилни сотиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Улар пахтани давлат томонидан назорат қилинадиган пахта заводларига сотишга мажбурлар. Шундан кейин пахта толаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимига кирувчи ташқи бозорларида чет эл валютасига жаҳон бозори нархларида сотилади. Агар Ўзбекистон расмийлари томонидан ихтиро қилинган воситачиларнинг сунъий занжири йўқ бўлганида, пахта теримига “қулларни” жалб қилиш эҳтиёжи ҳам қолмаган бўларди. Одамларни пахта теримига мажбур қилиш механизми жуда жўн. Расмийлар саноат қорхоналари ва давлат муассасалари раҳбарларига пахта теримига белгиланган миқдорда одам ажратиш тўғрисида кўрсатма берадилар. Одатда бундай кўрсатмалар туман ҳокимлари томонидан уюштирилган мажлисларда берилади. Мажлисга “таклиф этилган” йирик саноат қорхоналарининг раҳбарлари бунақа таклифларни рад эта олмайдилар ва ўз ходимларига босим ўтказиб, уларни пахта теримига чиқишга мажбур қиладилар. Ўтган йилдан бошлаб расмийлар ҳатто Тошкент шаҳридаги қорхоналарни ҳам пахта теримига жалб қилишга бошладилар. Одамлар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни билмаганлари, расмийларга қарши тик тура олмаганлари ва ўз ишчи ўринларидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрққанлари боис бундай ноқонуний буйруқ ва кўрсатмаларга бўйсуниб келадилар. Ўтган йилларда одамлар пора эвазига пахтага чиқмасликка уринган бўлсалар, бу йил аҳвол оғирроққа ўхшашпти. Бу йил расмийлар сафарбарликка ИИВни ва ҳатто август ойида

қабул қилинган. Баъзида оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги бугунги вазиятни шўролар даври блан қиёслайдилар. Ўшанда ҳам шаҳарликлар, шу жумладан, талаба ва ўқувчилар пахта теримига олиб чиқилган. Аслини олганда, буни қиёслаш нотўғри. Советлар даврида режа хўжалиги ва маъмурий-қўмондонлик тизимининг самарасизлиги боис шаҳарликлар пахта теримига чиққан. Ўша пайтда олий таълим муассасаларида ўқиш ва соғлиқни сақлаш тизими мутлақо бепул бўлганини, минимал ижтимоий кафолатлар мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда минимал ижтимоий кафолатлар деярли йўқ ҳисобида. Мисол учун, Пенсия фондига иш берувчилар меҳнат иш ҳақидан 25% ва қорхона тушумидан 1,6 фоиз тўлов ўтказишлари, ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақидан 5,5% ушлаб қолинишига қарамай, сўнгги икки йил давомида давлат ҳеч қандай ижтимоий тўловларни амалга ошираётгани йўқ. Ўзбекистонда бепул медицина деярли тугатилган, суғуртали медицина эса ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Қасаллиги туфайли меҳнатга лаёқатсизлик, шу жумладан, ҳомиладорлик бўйича нафақа пуллари иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан тўлашлари лозим. Олий таълимнинг деярли 70 фоизи пуллик. Мисол учун, ўқиш учун катта-катта пул тўлаган магистрантлар дарс қилиш ўрнига қимларнидир бой қилиш учун пахта даласида текинга ишлашга мажбурлар. Қайд этиш жоизки, пахта теримига жалб қилинган ишчи хонимларнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, аммо бу харажатларни ходимини пахтага жўнатган қорхонанинг ўзи қўтариши керак.

(Давоми кейинги бетда)

СОҚОВ ҚУЛЛАР, ЁҲУД ҚУРОЛЛАР ОСТИДА ПАХТА ТЕРИМИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)
Бу ҳақда Ўзбекистон Солиқ кодексида тегишли банд бор. Расмийлар корхона, муассаса ва ташкилотларга одамларни пахтага жўнатиш тўғрисида кўрсатмаларини фақат оғзаки равишда берадилар, улар ҳам ўз навбатида ходимларига қандайдир ёзма буйруқ беришдан ўзларини олиб қочадилар. Чунки, Ўзбекистон Меҳнат кодексига мувофиқ, иш шароитини ўзгартириш ва ҳатто бошқа ишга вақтинча ўтказиш учун ишчи-ходимларнинг розилигини ёзма равишда олиш зарур. Пахтага жўнатиш ҳам худди шу ҳаракатлар доирасига киради, лекин расмийлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни истаб қоладиган фуқаролар топилиши мумкинлигини истисно этмай, ўзларига бош оғрик ортиришни истамайдилар.

Бундан ташқари, меҳнат кодекси мажбурий меҳнатни тақиқлайди, маъмурий кодекс эса бундай мажбурий меҳнат учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича санкцияларни белгилаб берган. Шундай қилиб, Ўзбекистон расмийлари ўзлари ўрнатган қонунларни билиб турган ҳолда бузиб келаяптилар. Юристар бунинг очик-ойдин ғаразли ният деб атайдилар. Аммо ҳозирча, бунинг учун ҳеч ким жазога тортилгани йўқ. Ўзбекистонда пахта терими – мажбурий меҳнат. Мажбур қилинаётганлар ўз ишчи ўринларини йўқотишдан, талабалар эса ўқишдан ҳайдалишдан қўрқадилар. Бундан ташқари, уларни далаларида милиция ва ҳатто автоматлар билан қуролланган спецназ жангчилари назорат қилиб туради. Шаҳарликларни

пахта теримига олиб чиқиш жараёнига ҳуқуқ-тартибот органларининг жалб этилиши расмийларнинг одамлар норозилигидан қўрқув аломати эмас. Бу – мамлакатни бошқараётган тўда ўзининг нақадар суллоҳ бўлиб кетганини, на Худодан ва на бандасидан қўрқмаслигини намойиш этиш истаги, холос. Шаҳарликларку майли, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, аммо вилоятлардан Тошкентга келган мардикорлар қўлга тушсалар, уларнинг қўлдан ҳеч қандай фарқи бўлмайди. Ўзбекистондан пахта сотиб олаётган ширкатлар эса бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Ёки билишни истамайдилар. Қулларнинг қўллари ёрдамида терилган пахта бошқа пахтадан на ранги, на ҳиди ва на бошқа сифатлари билан фарқ қилади. Қулларнинг азоб-уқубат излари моддий объектларда қолмайди, қулларнинг ўзлари эса гунг ва соқовлигича қолаверади.

fergananews.com

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАМ ДАЛАГА ЧИҚАРИЛДИ



Ўзбекистон ҳукумати бу йилги пахта йиғим-терим мавсумини “самарали” ўтказишга қаттиқ аҳд қилган кўринади. Озодлик муҳбири Сирдарё пахта далаларида жавлон ураётган академия илмий ходимлари билан гаплашди. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги тадқиқот институтларининг 150 дан ошиқ ходими илм майдонини тарк этиб, пахта дала-сига йўл олди. Пахта кампанияси ташкилотчилари ажратган маҳсус поезд 3 сентябр куни уларни Сирдарё вилоятига олиб бориб ташлади.

– Академия пахта теримига 150 дан кўпроқ одам бериши керак эди. Структурамизда 38 та илмий-тадқиқот институт бўлса, ҳар бир институт бошига 7-8 тадан одам тўғри келди. Талаб қилинганча одам йиғиб бердик. Асосий группа поездда Сирдарёга кетди,– дейди Фанлар академиясининг ўзини танитишни истамаган вакили. Озодлик билан гаплашган академия ходимларига кўра, бу йил пахта кампанияси аввалги йилларга қараганда анча кучайгани сезилмоқда.

– Ўтган йилиям академия бўйича пахтага чиқилган. Лекин бу йилча-лик одам сўрашмаганди-да. Нима бўлсаям, байрам ўтиши билан теримчилар далада бўлсин дейишди,– дейди Фанлар академияси вакили.

Йўлини қилиб теримдан қолмоқчи бўлганларга ҳам, жилла курса, 2-3 кун пахта териш шартлиги уқтирилган. Озодликка исми сир қолиши шarti билан гапрган Тошкентдаги тадқиқот институтларидан бирининг кичик илмий ходими ҳам шу кунларда пахта тергани ҳозирлик кўрмоқда.

– Терим турган-битгани чиқим, ҳатто овқатланишга ҳам ёнингиздан пул сарфлайсиз. Ундан кўра 100 мингми, 200 мингми бериб, тинчгина Тошкентда қолганим яхши эди. Лекин замдиректоримиз ҳеч бўлмаса 2-3 кун ишлаб, кейин ўрниларинга одам топарсизлар деди,– деб арзи ҳол қилади академия тизимидаги тадқиқот институт кичик илмий ходими. Биринчи теримга чиққан академиячилардан йигирма кунча туриб бериш сўралган. Бу муддат ўтгач, уларнинг ўрнини ҳамкасблари эгайллайди.

– Биз биринчи сменада пахта теряпмиз. Худо хоҳласа, амаллаб ўтказиб олсак, ўрнимизга бошқа гуруҳ келади. Йигирма кунча терасизлар дейишди. Ишқилиб, яна чўзилиб кетмаса бўлди деб турибмиз,– хавотирини яширмайди Шарқшунослик институт вакили. Теримга асосан илмий-тадқиқот институтларининг ёш ходимлари жалб этилган.

– Катта домлаларимиз пахта теролмайди-ю, шунга, калтак бизга ўхшаган ёш ходимлар бошида синди. Ёши улуг домлаларимиз ҳам бор, лекин улар бизни контрол қилиб туришга келган,– вазиятни изоҳлайди Тил-адабиёт институт тадқиқотчиси.

Теримчилар ейиш-ичиш ва бошқа барча кундалик харажатларни чўнтагидан сарфлаши керак. Институтлар раҳбарияти ҳам озиқ-овқатга қаршиб юборган.

– Институт беш-олти ходим номига премия ёзди. Кейин, шу премия ҳисобидан овқат учун харажат қилинди. Амир Темурнинг жанга чиққан аскарларидек ўзимиз билан қозон-товоқларимизни ҳам олволдик,– дейди “пахта муҳорабаси”да жон олиб, жон бераётган теримчи-тадқиқотчи. Айни пайтда, академиянинг асосий гуруҳи Сирдарё вилоятининг Боевут туманида пахта хирмони-ни кўкка етказиш ташвишида.

– Меҳмонхонадан жой бермайдик-ку! Мактабга жойлашдик. Норма – 50 кило. Килосига 150 сўмдан тўлашаркан. Биринчи кунда амалладик. Биринчи терим барибир биринчи терим-да. Лекин қолган кунлар нормани бажара оларми-канмиз ҳозир бир нарса дейишим қийин,– дейди катта даргоҳнинг кичик илмий ходими.

Пахта кампанияси ташкилотчиларига кўра, мамлакатнинг маърифий элитаси кўпга келган тўй – зарбдор ҳашардан четда қолиши адолатдан эмас.

“МТС-УЗБЕКИСТАН”ГА ҲУЖУМНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос

2012 йил 5 сентябрь

Шу кунларда Ўзбекистон, Россия ва умуман МДХ жамоатчилиги, Каримов сулоласининг Россия мобил алоқа оператори шўъбаси бўлган “МТС-Узбекистан” компаниясига босқини атрофидаги воқеаларни диққат-ла кузатиб бормоқда. Ушбу мақолада биз ўқувчиларни ўзбек ҳуқуқ-тартибот органлари тарафидан “МТС-Узбекистан” компанияси ва унинг раҳбари Бехзод Аҳмедовга қарши босқини ҳамда Каримов кизларининг баъзи бошқа компанияларни тортиб олиши воқеасининг ҳақиқий сабаблари ҳақида маълумот бермоқчимиз. Демак...

“МТС-Узбекистан”га босқин воқеаси

Бу жанжалнинг бевосита сабабларига ўтишдан олдин, шуни айтиш керакки, ўз вақтида Бехзод Аҳмедов “МТС-Узбекистан” директори курсисини, аёлининг Ўзбекистон президентининг кичик кизи Лола Каримова билан дўстлиги орқали эгаллаган эди. Гап шундаки, Б.Аҳмедовнинг аёли Л.Каримова билан Тошкент Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси университетида бирга тахсил олган даврлардан буён яқин дугоналар эди. Б.Аҳмедовни бу лавозимга тайинларкан, Лола ва Гулнора Каримовалар эр-хотин Аҳмедовлар олдида битта шарт – ҳар уч ойда “МТС-Узбекистан” даромадининг 30% қисмини Каримов оиласининг Европадаги банк ҳисобларига ўтказиш – шартини қўйгандилар. Бу талабнинг бажарилиши эвазига қилинган ваъда эса, Аҳмедовга Каримоваларнинг протекцияси (химояси) эди. Каримов кизларининг хоҳишларини амалга ошириш учун Б.Аҳмедов бир қатор молиявий маҳинацияларга қўл уришга тўғри келади. Жумладан, “МТС-Узбекистан” абонентларнинг деярли 30% (тақрибан 3,5 миллион киши) исми-фамилияси ҳамда телефон номери солиқ органларига тақдим этиладиган расмий рўйхатга киритилмай қолган эди. Яъни, “МТС-Узбекистан” абонентлари сони аслида 9 млн. эмас, балки 12,5 кишини ташкил этарди. Айнан шу сабабли, “МТС-Узбекистан”нинг 200дан зиёд телекоммуникацион станцияси расмий руҳсат ва қайдсиз иш олиб борарди. Норасмий абонентлар гуруҳининг тўловлари автоматик тарзда “МТС-Узбекистан”нинг алоҳида инкасса ҳисобларига тушар, кейинроқ, чет элдан телекоммуникацион ускуна сотиб олиш учун зарур маблағ номи билан эркин валютага айлантирилар эди. Ўзбек шўъбасининг бу маҳинациясидан “МТС”нинг Москвадаги раҳбарияти ҳам беҳабар эди. Мана, “МТС-Узбекистан”нинг пул маблағларини республика ички бозорида “ювиш” да иштирок этган баъзи воситачи-фирмаларнинг

номлари: “Lapescara Balamore”, “Hayotkon Servis Plyus”, “Asia Agro Food Export”, “Agro Time Group”, “PG Qurilish”, “Abdujafar Savdo”, “West Elektrik Group”, “Elektro Jixoz Nur Savdo”, “Exad Lancer” ва бошқалар. Бу тузилмалар “МТС-Узбекистан”нинг ноқонуний даромадини нафақат расмийлаштириш, балки нақд пулга айлантириш билан ҳам шуғулланардилар. Сўнгра валютага айлантирилган пуллар, асосан, Россия ва Хитой компанияларига, сўнгра, Каримовларнинг Швейцария ва Буюк Британиядаги ҳисобларига ўтказиларди.

Бу муваффақиятли ишлар то “КТ-Комба” тунги клубида “МТС-Узбекистан” раҳбарининг аёли билан Л.Каримова ўртасида жанжал чиққунига қадар давом этди. Аҳмедова хонимнинг “портлаш”ига сабаб, Лола Каримова хонимнинг тобора “очилиб” бораётган иштахаси эди. Л.Каримова курсдош-дугонасидан “МТС-Узбекистан” бош директори Ўзбекистоннинг биринчи ва иккинчи хонимининг навбатдаги ҳисоблари учун маблағ топсин ва тўлаб қўйсин, деган навбатдаги талаби эди. Аҳмедова хонимнинг сабр косасини тўлдирган яна бир сабаб – Л.Каримованинг беписанд ва тахқиромуз муомаласи эди. Тунги жанжалдан кейин (шу куннинг тонгидаёқ) Бехзод Аҳмедов Ўзбекистон ҳокимиятининг ҳибс ва босимидан қутулиш учун, шошилиқ тарзда Тбилисига, у ердан Москвага учди. Бу жанжал “МТС-Узбекистан”га ўзбек ҳуқуқ-тартибот органларининг босқинига баҳона бўлди. Бу органлар юқорида кўрсатилган молиявий маҳинацияларда энди расмий жиноятчини – Бехзод Аҳмедовни айбламодалар. Биздаги тахминларга кўра, опа-сингил Каримоваларнинг молиявий маҳинацияларининг асосий иштирокчиси ва гувоҳи Б.Аҳмедов хозир ўзбек тергов органлари қўлида, ва яқинда Ўзбекистон МХХ ертўласида жисмонан йўқ қилинади. Прокуратура терговчилари ва МХХнинг хавотири – Б.Аҳмедов Гулнора ва Лола Каримоваларнинг “МТС-Узбекистан” билан боғлиқ молиявий жиноятларини Россия Федерацияси махсус хизматларига “гуллаб қўйган” бўлиши эҳтимол. Бу терговчилар билишмайдикки, ҳатто Россия ҳуқумати ҳам Каримов оиласига қарши “компрогат” қўллай олмайди, чунки Кремль ҳам Исроил ва сионист доираларнинг мислсиз химоясидан фойланаётган Ислом Каримов қаршисида кучсиздир. Бугунги кунда Б.Аҳмедов Тошкентда, МХХ ертўласида сақланмоқда. Ўзбекистон ҳуқумати унинг оила аъзоларини ҳибсга олганидан кейин, Москвадан “ўз ихтиёри билан” қайтиб келган. Б.Аҳмедов қайтиб келгач, унинг оиласи озодликка чиқарилган. Бошқача қилиб айтганда, ўзбек ҳуқуматининг

одатий шантажи иш берди: қочоқ Б.Аҳмедов ўз ихтиёри билан “жонажон” органлари қўлига таслим бўлди. Шундай экан, Б.Аҳмедов Москвада қочқинда юрибди, деган ўзбек ҳуқуматининг баёнотлари шунчаки маҳаллий ва хорижий жамоатчиликни алдаш уринишидаги бир уйдирма, холос.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тунги жанжалга қадар Аҳмедова хоним ва Л.Каримова қалин ва узок йиллик дугоналар эди. Масалан, ўзбек диктаторининг кенжа қизи дугонасининг “Grand Mir” (собик “Россия”) меҳмонхонаси қаршисида, Д.Қунаев кўчасидаги “Ўзбекистон Ҳаво йўллари” МАК марказий авиакасаси орқасида жойлашган “Банковский” дейладиган гиштли бинодаги квартирасига тез-тез келиб турарди. Дарвоқе, 2010 йил баҳорида бу авиакасаси, Лола Каримова билан юзага келган ноқулай вазият сабабли, бир соат ичида бошқа жойга, “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖнинг марказий кассаси биносига кўчириб юборилди. Гап шундаки, икки дугона Б.Аҳмедов уйи яқинида сайр қиларкан, авиакасаси ёнидан ўтаётганида, авиакасанинг милиция ходими ва кўриқчиси “икки гўзал аёлга дунёнинг истаган шахрига авиабилет сотиб олиш”ни таклиф этади. Ўша пайтда элитар дугоналар Марказий авиакасаси ходимларининг бу “шўхлиги”га жавоб бермайди. Аммо эртаси куни Л.Каримова талаби билан кўриқчи ва милиция ходими қамоққа ташланади, у ерда ҳали совет замонларидан буён жойлашган авиакасаси эса бир лаҳзада бошқа жойга кўчириб юборилади.

Энди, Тошкент Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси университети собик талабаларининг дўстлиги эса Л.Каримованинг очқўзлиги сабабли дарз кетганди. Бу жанжал Гулнора Каримовага асқотди, у тобора қиймати ўсиб бораётган “МТС-Узбекистан”ни тортиб олишга кўпдан бери баҳона излаётганди. Отаси инсонларнинг ёстиғини қуритишга қандай кўникиб қолган бўлса, Гулнора ҳам ўзгалар мулкига тажовуз қилишга шундай кўникиб қолган эди. Демак... «Zeromax»нинг қўлдан-қўлга ўтиши воқеаси «Zeromax» МЧЖга асос солган киши Тошкентлик тадбиркор Фарҳод Исматуллаев бўлади, у ўз фирмасини ўзбек ҳокимиятининг “пистирмадаги кардинали” Исmoil Жўрабековнинг ўғиллари билан дўстлиги эвазига ривожланди, кучайтиришга эришганди. «Zeromax» МЧЖни 1997 йилда таъсис этиб, Ф.Исматуллаев тез орада, у пайтлар И.Жўрабеков назорати остида бўлган пахта толаси экспорти соҳасига ўрнашиб олади. Икки йил ичида ёш тадбиркор компанияси шундай муваффақиятларга эришадикки, Тошкентдаги бизнес элита доираларнинг “тилига тушади”.

(Давоми кейинги бетда)

“МТС-УЗБЕКИСТАН”ГА ХУЖУМНИНГ АСЛ САБАБЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)
«Zeromax» МЧЖнинг улкан даромадлари ҳақидаги овоза криминал авторитет Фафур Раҳимовга ҳам етиб боради, ва у дарҳол Ф.Исматуллаев фирмасини тортиб олишга қарор қилди. Ф.Раҳимов ва атрофи «Zeromax» МЧЖ эгасига бу босқинни “бундай жиддий бизнесни Фафур Аҳмедовичнинг “олдидан ўтмай” бошлагансан, ва Тошкентнинг Муртазов кўчасидаги “обшак”ка “доля” тўламай келгансан” деб тушунтиришади.

2000 йилда бировнинг бизнесини тортиб олгач, Ф.Раҳимов уни “ўз одами” – Миродил Жалоловга топширади, у эса «Zeromax» МЧЖни АҚШда қайта рўйхатдан ўтказишни, шу билан фойдани Ўзбекистон ташқарисига ташиш учун шароит яратишни таклиф этади. Ф.Раҳимов бу таклифни қўллади, ва нагжада фирма АҚШда «Zeromax LLC» номи билан қўшма корхона тарзида рўйхатдан ўтказилади. Янги «Zeromax»нинг таъсисчилари – Ўзбекистон тарафидан Миродил Жалолов, АҚШ тарафидан эса Гарри Юстас бўлади. Иккала таъсисчи ҳам ўз тadbirkorлик хатти-ҳаракатларида тўлиқ Ф.Раҳимовга бўйсундилар. Ф.Раҳимов остида «Zeromax LLC» ишлари яна-да гуллаб-яшнади. Фирманинг янги менеджери М.Жалолов биринчи навбатда, компания фаолиятини савдо-сотик ва воситачиликдан чиқариб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишига ўзгартиришга қарор қилди. Масалан, М.Жалолов давлат секторидagi ташкилотларга давлат тендери бўйича, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ускуналарни етказиб беришни йўлга қўйди. Масалан, «Zeromax LLC» хорижий шериклар билан биргаликда, ўзбек гази эвазига “Ўзбекгаз” МХК ташкилотлари учун ускуна етказиб бера бошлайди. Бундан ташқари, Тошкентнинг Назарбек мазҳасида «Zeromax LLC» фарфор заводи куради, бу завод махсулоти маҳаллий бозордан Хитой фарфор ярим-фабрикатларини аста-секин сиқиб чиқара бошлайди. Шундай қилиб, М.Жалолов раҳбарлигида компания тез суръатда ўсиб бораётган, муваффақиятлар мисли қўрилмаган даражада эди. Айнан фарфор заводи ва М.Жалоловнинг бошқа ютуқлари Гулнора Каримова эътиборини жалб этади. 2004 йилнинг май ойида у Ф.Раҳимов олдида ультиматум қўяди: “Ё «Zeromax LLC»ни берасан, ё ҳамма бизнес-тизимларинг ва умуман тadbirkorлик фаолиятинг билан хайрлашасан!” Ўртадаги “разборка” Тошкентнинг Роҳат кўли ёнида бўлди. Ўз босслари номидан Ф.Раҳимов ва Г.Каримовнинг тансоқчилари муштлашишади. Охир-оқибатда, Ф.Раҳимов бу йўқотишга рози бўлади. Фафур-бой учун ягона тасалли – Гулнора Каримовага таслим этилган «Zeromax LLC»нинг менеджери лавозимида унинг одами – Миродил Жалолов қолиши эди.

Янги соҳиби қўл остида бу компания «Zeromax GmbH» номи билан қайта рўйхатдан ўтказилди. Янги «Zeromax»нинг таъсисчиси М.Жалолов ва рафикаси бўлди. Гулнора Каримова хайрихоҳлигида бу компания, ускуна етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича давлат тендерларида голиб чикувчи ўзига хос бир монополистга айланди. Ўзбекистон ҳукуматининг “яшил чироғи” натижасида, «Zeromax GmbH» толлинг (нефтни маҳаллий қайта ишлаш, уни сотиш ва даромад-ни конвертация этиш шарти билан) асосида хом нефть етказиб беришни бошлайди. Бундан ташқари, бу компания табиий ресурсларни қазиб чиқариш ва ўзбек газини экспорт қилишдан тушган даромаддан ўз улусини ола бошлайди.

«Zeromax GmbH» ўсишининг интиҳоси 2010 йилнинг январида, Президент Ислон Каримов бу “швейцария” компанияси фаолиятини текширишга буйруқ берганида бошланади. Уша йилнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистондаги хўжалик судлари қарорига кўра, «Zeromax GmbH» банкрот деб эълон қилинади, компания активлари эса давлат тасаруфига ўтказилади. Воқеаларнинг кескин ўзгаришига зоҳирий сабаб, М.Жалолов ҳамда Г.Каримова ўртасидаги 2009 йил декабридаги келишмовчиликлар бўлди. Ушанда Одил-бой телефон орқали ўта маст ҳолатда Г.Каримовага таъна қилган, ўз соҳибасининг Тошкентдаги “гаишник”лар қаршисида ҳеч нарса қилолмаслигидан норози бўлиб, обдан сўкинган эди. Гап шундаки, ДАН ходимлари М.Жалоловнинг жиянини, автомобилини маст ҳолда ҳамда керакли хужжатларсиз (қимматбаҳо «Ferrari» спорт машинасининг техпаспорти йўқ эди) бошқаргани учун тўхтатишади. “Гаишниклар” “президентский трасса” дейиладиган Ойбек кўчасини қўриқларкан, маст хайдовчи ва унинг автомобилини хибсга олмоқчи бўлишади. Уларга на жияннинг ялиниб-ёлворишлари, ва на Одил-бойнинг дўқ-пўписалари таъсир қилади. Шунда М.Жалолов Г.Каримовага телефон қилиб, президент “гаишник”ларини тинчатишни илтимос қилади. Табиийки, давлат раҳбарининг кизи бундай “майда ишлар” билан ўралашишни истамайди ва бойга “ўзинг ҳал қил”, дейди. Жавобига эса Одил-бойнинг сўкинчини эшитади. Эртаси куни М.Жалолов Гугушадан кечаги қилигига узр сўраш учун тўхтовсиз телефон қилади, аммо Гугуша жавоб беришни ҳам истамайди. Бу жанжал Ўзбекистон ҳукуматининг «Zeromax GmbH»га қарши 2010 январидagi босқинига зоҳирий баҳона бўлди. Аммо бу босқиннинг асл сабаби эса, «Zeromax»нинг Россиялик ва Қозоғистонлик шерикларидан толлинг орқали олинган нефтнинг пулини тўлашни М.Жалолов Ўзбекистон

ҳукуматидан талаб этавериши бўлади. Президент Ислон Каримов ва Бош Вазир Шавкат Мирзиёевлар олинган, қайта ишланган ва сотилган нефтнинг пулини тўлашни истамайди. Улар “мана эртага, мана индин” дея Россия ва Қозоғистон олдидаги қарзларини тўлашни ҳадеб кечиктираверади. Охир-оқибат, нефть қарзини тўлашдан қутилиш ва, шу билан бирга, Россия ва Қозоғистонлик қарз эгаларини алдаб кетиш учун, қўғирчоқ ўзбек суди орқали барча қарзларни «Zeromax GmbH»га иладилар.

Суд терговларидан кейинок нефть хомашёси етказиб бериш бўйича «Zeromax» квотаси Ўзбекистон Бош вазири Ш.Мирзиёев қариндошлари (қайинлари)га топширилади. Бироқ ҳукумат квоталарининг янги эгалари Ўзбекистонга нефть етказишни давом эттира олмайдилар: «Zeromax GmbH»нинг Россия ва Қозоғистонлик шериклари улар билан ҳамкорлик қилишни истамайдилар. Шунинг учун 2010 йилнинг августида Ўзбекистон том маънода бензинсиз қолди, ундан кейин бензин нархи 1500 сўмдан 4000-5000 сўмга чиқиб кетганди. Дизель муаммоси эса бу Марказий Осиё мамлакатида бугунгача давом этмоқда. Авваллари нефтнинг тақсид (бўлиб-бўлиб, расрочка) билан тўлаб, паст нархда олиб келган ўзбек ҳукумати, энди тайёр нефть махсулотларини (бензин ва дизелни) олдиндан пул тўлаб ва қиммат нархда олишга мажбур эди.

«Zeromax»га давлат босқини бошлагач, тергов органлари М.Жалоловни турли жиноятларда, жумладан, Тошкентдаги “Ўзбекистон” меҳмонхонаси ёнида Халқаро Форумлар Саройи қурилиши учун етказиб берилган қурилиш материалларига нархни сунъий равишда оширишда айблай бошлади.

Бу Саройни сифатли ва ўз вақтида қуриб битиргани учун 2009 йили М.Жалоловга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” совринини топширган Каримов ҳукумати, 2010 йил январида, яъни уч ой ўтиб, уни айнан шу объект қурилишида давлат маблағини “ювиш”да айблаётганди. Такрор айтмамиз, Ўзбекистон ҳукуматининг «Zeromax GmbH»га қарши бундай муомаласига асл сабаб, М.Жалоловнинг Россия ва Қозоғистондан толлинг шартларида олинган нефть учун қарзларини тўлашни талаб қилиши бўлган. Зоҳирий баҳона эса М.Жалолов билан Г.Каримова ўртасидаги 2009 йилги телефон сўқинишлари бўлди, холос. У ёки бу даврда диктатор Каримов қизларининг ўлжасига айланган фирмалар рўйхати узундир.

Яна «Coca Cola-Uzbekistan», «Carlsberg Uzbekistan» ва бошқа компанияларга қилинган босқинларни мисол келтириш мумкин. Бизнингча, Ислон Каримов қизларининг бандитизм ва очкўзлиги келтирилган мисоллар етарлича намоён этади.

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Ўлим жазоси таҳдиди

1998 йил баҳорида Турк Ай-Сел иншоот фирмасининг бир ишчиси пичокланиб ўлдирилди. Бу ширкатда ишлаганлар “Бизнинг ҳавфсизлигимизни таъминланг!” деган талаб билан кўчага чиқиб, Туркия Элчилигига қараб юрган заҳоти атрофи худди урушдаги каби аскарлар билан куршатилди. Ва ҳаммаси Ўзбекистондан қувилди... Бу хусусда Демирал билан Каримов ўртасида шундай телефон диалоги бўлган: “Сулайман ака... Сизнинг ишчиларингиз бизнинг қонунларни бузди. Нима қилайлик?..” “Мендан сўраб нима қиласан, ука, қонунларингиз нима деса, шуни бажо келтиринг”.

“Лекин Сулаймон ака... Бизнинг қонунлар бу борада жуда қаттиқ, бу давлатга қарши исён ҳисобланади, жазоси – ўлим бўлади!”

“Ундай бўлса, уларни ўлкадан қувиб юбора қол, укажон!” дейди Демирал.

Турклик... Ўзбеклик...

(4-мақола)

Ким бу ўзбеклар?.. Осмондан тушдиларми? Асл келиб чиқишлари, Турклик билан алоқаси нимада? Тарихда ўзбек деган бир халқни учратмайсиз. Ўзбек сўзи Олтин Ўрдадан келган Ўзбек хон билан боғлиқ бир исм. Масаланинг қизиқ тарафи бу “ўзбеклар” 1923 йилгача ўзларини “Турк” деб атаб, Туркиядагиларни “Усмонли” деганларидир. Ундан ҳам қизиқроғи, Шайбонийхонни аждод сифатида қабул этиши керак бўлган ўзбеклар ўзини Турк деб атаган Темур ва Бобурга соҳиб чиқмоқдалар. Ўзининг “Тузуклар” китобида “ўзбек хашақлардан тозалаб, Тўхтамишга қарши юраман” деган Темурнинг бу сўзларини гўё унутганлар. Унга ҳайкаллар қўядилар.

Бобурнинг қабрини Аградан олиб келиниб, Андижонда хотира маъбади шаклида халққа тақдим қилишмоқда. Темурнинг “Бизким, Туркнинг бош бўғинимиз...” деб бошланган ифодаларини унутиб, сунъий “ўзбек халқи” пайдо қилишга интилмоқдалар. Ҳеч қандай илмий асосга таянмаган сафсаталар баъзан қулгили аҳволга туширади инсонларни. Типик бир ўрнак келтираман:

Проф. Др. Ҳамид Зиёев, Ўзбекистоннинг энг таниқли тарихчи олимидир. Худди раҳматли Проф. Др. Закий Валидий Тўғон Туркия учун ким бўлса, Проф. Др. Зиёев ҳам Ўзбекистон учун айна даражада қийматли олимидир.

Бу олим бир куни телевизорда чиқиш қилиб, ўзбекларнинг асли Хунлардан келганини айтади. Орадан икки кун ўтгач, телевизорда Каримов бир гуруҳ тарихчини ўтқазиб, уларга шу маслаҳатни беради: “Баъзилар бизнинг аслимизни Хунларга олиб бориб

тақамокдалар... Оврупа, Хунларни варвар дейди, агар биз аслимизни Хунларга боғласак бу “варварликдан” биз ҳам насибимизни олган бўлаемиз. Хунларнинг давоми бўлган Кўктурклар ҳам Олтой тоғларида яшаганлар. Бир қисми бу ерларда қолиб, бир қисми Туркия тарафига кетганлар... Улар кўчманчи, биз эса ўтроқ бир миллатмиз. Бизнинг уларга ҳеч бир алоқамиз йўқ!!”

“Фақат жаноб Президент...” дея дудукланади бечора Проф. Др. Ҳамид Зиёев... “Тарих ва ҳақиқат бу бўлса, биз нима қилайлик?..” Каримов: “Мен бу фикрларнинг миянгизга қаердан суқилганини жуда яхши биламан, сизларни Туркияга чақириб, чўнтақларингизга уч юз-беш юз доллар қўйиб, миянгизни тарихчида Менга ҳақиқий ўзбек юрмоқини ёздаган одамлар лозим... Бундай одамлар борми, йўқми?”

“Йўқ, жаноб Президент”, дея бошини эгади Проф. Др. Зиёев... “Мен ҳақиқийсини билмайман, яхшисини бошқалар ёзсин!”

Тубдандинчилик паранояси

(5-мақола)

Каримов Ўрта Осиё лидерлигига ҳавасманд. Фақат тугуруқсизлиги билан катта бир мақолага мавзу бўладиган Сафармурод Туркманбоши Каримовдан нафратланади.

Туркманбошининг Тошкентдаги Турк Дунёси Зирвасида, Амир Темур Музейининг очилишини кутмай кетиб қолиши ҳеч кимнинг эсидан чиқмади. Сабаби Туркманистон Президенти Амир Темурнинг туркманларни чўлда оёқ яланг юргизиб жазолантирганидан Темурни ёмон кўргани эмиш. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, телевизорда суҳбатларида Каримовни “аҳмоқ” деганига сабаб Каримовнинг уни телевизорда “жинни” дегани эмиш.

1999 йилдаги портлашлардан кейин Бишкекда бўлиб ўтган бир йиғилишда ТВ камералари олдида тортишар экан, Каримов қўлидаги пиёлани Назарбоевга, Назарбоев эса қўлидаги стаканни Каримовга отишган.

Қирғизистон Президенти Аскар Ақаевга Каримов ҳақоратомуз “Укаев” дейди...

Тошкентдаги бир йиғилишда Каримов Ақаевни кўпчилиكنинг ёнида “Укаев” деб камситганидан кейин Ақаев-Каримов муносабатлари бугунгача совуқ бўлиб қоляпти.

Тожикистон Президенти Раҳмонов Каримовни ўлкасидаги фуқаролар урушига сабабчилардан бири сифатида айблайди. Бошқа тарафдан “менинг томирларимда тожик қони оқар экан, менга нега душманлик қиласан?” дейди унга Каримов.

Раҳмонов ТВга чиқиб, Каримов ҳақида “ҳатто Кремл ҳам бундай

қўпол муомала қилмади бизга, бу одам ўзини ким деб ўйлапти?” дея ғазабланади.

1999 йил 16 февралда Тошкентдаги портлашларда Каримов суиқасддан қутулади. Аввал ҳам Дўрмон резиденциясида Каримовнинг машинаси гранатомёт билан ҳавога учурилади, аммо унда Каримов бўлмади. Самарқанддаги бир мажлисга кетаётганда ҳам айна шаклда ҳужумга учрайди, аммо соғ қолади.

Каримов шариятчи овига чиқади

Каримов бутун бу нагижасиз суиқасдларни шариятчиларга боғлайди. Ва бу “микроблар”га қарши қонининг сўнгги томчиси қолгунча курашишга қасам ичади. Ва мингларча киши ҳибсга олинади, тезда бу рақам 18 мингга етади... Каримов бу билан чекланмай, ишга Муҳаммад Солихнинг отини ҳам қориштиради. Муҳаммад Солихнинг Фарғонада тўпланган бир лашкар билан Каримовнинг суиқасдда ўлишини қутаётгани ҳақида хабар берилади.

Бир пайтлар Каримов ҳокимиятида миршаб тизимларидан узоқлаштирилган Жума Намонгоний ва Тохир Йўлдошевлар ҳам қидирув рўйхатида киритилади. Уларнинг сафларида 2 минг партизан бор, дея миш-миш чиқади. Бу орада турклар ҳам айблана бошланди.

“Ўзбекистонда фаолият кўрсатган турк ширкатлари террористларга моддий ёрдам берди!” деган иддао ўртага ташланади.

Турклар тарафидан ишлатилган ресторанлар ва фабрикалар босқин қилиниб, 12 та турк қўлларига кишан кийдирилиб, ҳибсга олинади. Турк Элчиси Умир Алайдин ўзбек ҳукуматида нота беради.

Уч кун сўнгра ўзбеклар “Ўзбекистонда ишлаган Турклар диний китоблар сотиб, шарият пропагандаси юритди”, деган баҳона билан ҳибсга олинган 13 кишидан 8 таси ўлкадан қувилади, 3 таси эса 13 йилдан оғир қамок жазосига ҳукм қилинади.

Каримов Усома бин Лодиннинг исмини қўллаб, АҚШ наздида ўзини ҳақли қилиб кўрсатишга интилади. Бин Лодиннинг 150 миллион доллар юбориб, ўзбек террористларига ёрдам бергани ҳақида иддао қилишади. Аммо исботи топилмади..

Ўзбекистон Молия Вазирлиги бирдан Турк фирмаларини тафтиш қила бошлайди. Бу тазйик 2 ой давом этади, 26 та Турк фирмаси эшигига қулф урилади.

2000 йилдаги Президентлик сайловларида Каримов катта фарқ билан ғолиб келади. Бир ўзбек муҳолифи: “Албатта ғолиб келади-да, Советларнинг 70 йилда қилмаган зулмини у 9 йилга сифдирди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Сталиннинг сиёсатини қўллаяпти халққа, яъни “Итти оч қўй, шунда у сенинг оркангдан келади” деган сиёсат”, дейди мухолиф.

“23 миллион қўйи бор”

Тўғриси, уялиб бўлса ҳам айтмоқчиман (уяламан, чунки мисолни русиялик фашист Жириновскийдан келтирмоқчиман): 1998 йилда ОРТ телевизион каналидан бир чиқишида Жириновский шундай деди:

- Дунёда энг бой одам ким биласизми?

- Ким экан? – дейди журналист қизиқиб.

- Дунёнинг энг бой одами Каримов, – деб жавоб беради Жириновский.

- Нега энди, Инглиз Қироличаси бор, Саудия Арабистони Қироли...

- Тўғри, аммо уларнинг ҳеч бирининг 23 миллион қўйи йўқ!..

Энди бир нарсани очиқ айтмоғим керак. Нега бу мавзунинг 6 кундан бери ёзаяпман, нима бошқа мавзу йўқми?

Мавзу кўп, аммо бу айтилаётганларни, Турк давлатларида бўлаётган воқеаларни бизнинг жамоатчилик яхши билмайди. Бу ҳақда гап очилса, худди Патагония ҳақида ҳикоя қилгандай гап бошлайди ҳар ким.

Миллиятчи Ҳаракат Партияси (Туркияда ҳукуматнинг коалицион ўртоғи) эса “онаватан-отаватан” романтизмидан кутула олмаганлари учун оёқларини ерга тўғри боса олмаяптилар.

Мен на Исломи Каримовнинг душманман, на-да бошқаларининг дўстиман.

Янглиш расмларга қараб янглиш қарорлар олинмаслиги учун бу минтақага қизиққан бир қаламқаш ўлароқ менга тушган вазифани бажаришга ҳаракат қилаяпман...

Қатта империялар йиқилгандан кейин бундай воқеаларнинг бўлиши табиий жараён, албатта.

Менинг тилагим, Анқаранинг воқеаларга узокни кўзлаган мақсад билан ёндошишини истардим. Ва собит бир сиёсат татбиқ қилишини истардим, албатта. Позицияларида қатъий туриб, нима истаётганини аниқ белгилаб олишини истардим... Тарих оқимиға таъсир қилиши мумкин бўлган зарарли ҳаракатлардан қочиб, зolimларнинг сафида эмас, мазлумларнинг ёнида туриш кераклигини билмоғимиз лозим.

Акс ҳолда, эртага бир кун Ўзбекистондаги қардошларнинг юзига қарай олмайдиган даражага келиб қолишимиз мумкин.

Авваллари бу минтақага ҳиссий мотивлар билан ёндошган эдик, энди ҳеч бўлмаса, бу ёғига ақл ва мантиқни қўллаб ҳаракат қилайлик.

Ҳали ҚОҚИНЧ

“Стар” газетаси (Туркия),
28.12.2000-1.01.2001

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИЙНОҚ ВА ПОРТЛАШЛАР

*Дастур муҳаррири Тенгиз Гудава
Бугунги Ўзбекистон ҳаётида
икки кўриниши, иккита дахшадли
кўриниши – қийноқлар ва портлашлар
бир-бирини озиклантирмоқда.*

16 феврал кунини Тошкентда юз берган, 16 нафар беғуноҳ инсоннинг умрини олиб кетган портлашлардан сўнг орадан 2 йил вақт ўтди. Бу портлашлар ҳокимият ва исломий мухолифат ўртасида янги даврни – ҳокимият ва исломий мухолифатнинг бир-бирига қарши терроризми даврини бошлаб берди. Яқинда инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи халқаро Хьюман Райтс Вотч ташиқилоти “Яна бошдан-оёққача жаҳаннам...” деган ном билан Ўзбекистонда маҳбуслар устидан ўтказилаётган қийноқлар ҳақидаги докладыни эълон қилди. Қийноқлар портлашларни тугади ва аксинча – ҳокимият зулми мухолифат терроризмининг тугади, террор эса, ўз навбатида мухолифатни бўғиш учун ҳокимиятнинг қўлларини озод қилади... Ўзбекистондаги бугунги воқеаларнинг қусурли доираси кўриниши шундай.

Тошкентдаги муҳбиримиз Инера Сафар Хьюман Райтс Вотчнинг Ўрта Осиё бўйича тадқиқотчиси Кассандра Кавана билан суҳбатлашади.

Ирена Сафар:

- Қийноқлардан қанча одам ҳалок бўлган, сизда бу ҳақда информация борми?

Кассандра Кавана:

- Бизда 15 кишининг қийноқлар пайтида ҳалок бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Булар 1999-2000 йиллар ичида ҳалок бўлганлар. Аммо қийноқдан ўлганлар сони, анча кўп, фақат бу ҳақда маълумот тўплаш жуда қийин, чунки ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари бу ҳақда маълумот беришдан қўрқишади, ҳокимиятнинг босқисидан қўрқишади.

Хьюман Райтс Вотч докладыдан: “Маҳбусларни қийнаш Ўзбекистонда оддий ҳолга айланган. Шунингдек, қийноқлар ҳокимиятнинг мустақил исломий гуруҳларга қарши репрессиясининг ўзига хос жиҳатига айланган. Ҳукумат қийноқлар ўтказаятган милиция ва хавфсизлик хизмати ходимларини жазолашдан мутлақо бош тортмоқда ва хатто сиёсий маҳбусларнинг “оммавий ахборот воситалари орқали чиқариб, “айбига икром” қилишлар билан қийноқлар ўтказишни рағбатлантирмоқда. Маҳбуслар қамоққа олинганларининг илк дақиқалариданок, уларга нисбатан милиционерлар томонидан мутлақо ноқонуний бўлган психоло-

гик ва жисмоний тазйиқлар ўтказила бошланади. Маҳбусларга нисбатан қилинаётган шафқатсизликларнинг тобора кучайиб бораётганини сўнгги 2 йил ичида маҳбуслар ичида ўлганлар сонининг тезлик билан кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистон қонунлари бўйича маҳбусларни қийноққа солиш жиноят ҳисобланса ҳам, тартибот органлари ходимларидан ҳеч ким жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ўзбекистон судлари эса, қонунга зид бўлганига қарамай, ўз ишини фақат қийноқлар остида берилган кўрсатмалар асосига қуради”. Кассандра Кавана:

- Шуни айтиш керакки, қийноқлар фақат диний сабаблар билан қамалганларга нисбатан эмас, балки барча сабаблар билан қамалганларга нисбатан қўлланилмоқда. Яъни, оддий жиноят билан қамалганларга ҳам, сиёсий маҳбусларга нисбатан ҳам, диний сабаблар билан қамалганларга ҳам. Базан милиционерлар ва прокурорлар амалга оширилаётган жиноятларни ўрганиб ўтиришдан эринаётгандай кўринади. Аслида, милиция органларидаги маданият шундай. Қийноқлар ўтказаятганлар учун асосий сизим шундай: чунки қийноқлар ўтказиш руҳсат қилинган, чунки бу рағбатлантирилади. Энг дахшатлиси – ҳукумат бу қийноқлар ҳақида била туриб ҳам ҳеч қандай тадбир кўрмайди.

Тенгиз Гудава:

Ўзбекистондаги сиёсий маҳбуслар сонини фақат маҳфий хизмат ходимлари билади. Минглаб сиёсий маҳбуслар бор, уларнинг кўпчилиги диний сабабларга кўра қамалган, яъни улар – виждон тутқунларидир. Яна Хьюман Райтс Вотч докладыдан парча келтирамиз: “Қийноқлар оддий жиноятлар учун қамалган маҳбусларга нисбатан ҳам, сиёсий сабаблар билан айбланиб қамалганларга нисбатан ҳам ўтказилмоқда. Аммо мухолифат вакиллари оммавий қамоққа олинишларидан сўнг, судлар пайтида маҳбуслар ўзларига нисбатан ўтказилган қийноқлар ҳақида батафсил маълумот бериб, сирни ошкор қилдилар. 1998 йил давомида ўтказилган репрессиялар асносида минглаб диний қарашдаги инсонлар экстремизмда айбланиб, қамоққа олиндилар. Ўзбекистонда советлар давридаги диний Диний бошқарма орқали бошқариб туриш совет системаси сақланиб қолган, бу ташиқилот барча диний уламоларни ўзи тайинлайди, диний тарбия ва нима ҳақда ваъз ўқиш лозимлигини белгилаб беради ва диний адабиёт чиқариш ҳукуқини ҳам монополия қилиб олган.

(Давоми келгуси сонда)

ҲОЖАМОТ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Қон олдирмаганлар бурунлари қонашидан ва бавосил (геморрой) қонашидан, аёллар эса ортиқча хайз кўришидан кўрқмасликлари керак. Бу қонашлар - табиий “қон олдириш” дир ва бу қонашни тўхтатмаслик лозимдир.

Хусусан, юқори қон босими туфайли бошланган бурун қонашини тўхтатиш тўғри эмасдир.

Қадимги ҳақимлар (шифокорлар) бундай ҳолатларда киши ҳушидан келгунча ҳеч қандай тиббий муолажа қилмаганлар. Ҳушидан кетиш билан биргаликда юрак уришлари ва қон айланиши секинлашиши сабабли ҳар турли қон кетиши ўз-ўзидан тўхтайдди. Бугун тайёр таом истеъмол қилган болалар орасида бурун қонаши кўп учрамоқда. Бу қонаш сунъий овқатлар билан озикланиш, оз рўза тутиш ва ичакларнинг бузилиши туфайли қондаги зарарли моддаларнинг ортишидан безовта вужуднинг ўзини ҳимоя қилиш йўлларида биридир. Вужуд тоза қонни ҳеч қачон ташқарига чиқармайди. Қонаб отилган қон, шубҳасиз, захарли, ифлос қондир. Асосан, бу турдаги қонашлар ҳижрий ойнанинг 13-чи, 14-чи, 15-чи (тўлиной) кунларида ва 29-чи, 30-чи, 1-чи (янги ой) кунларида бўлади.

Бу кунларда ойнанинг таъсири билан денгизлар ва дунё юзи тозаланади. Ёмғир ёғади, шиддатли шамоллар хаста ва ёши улуг дарахтларни буқади. Бу кунларда, дунё ўзини тозалагани каби, инсон вужуди ҳам ўзини тозалайди: касалликлар кучаяди, сурункали қонашлар кўпаяди, аёллар хайз кўради ва ҳоказо. Вужуд сурункали бачадон қонаши, бавосил (геморрой) ва бурун қонаши билан ортиқча ва зарарли моддалардан ўзини тозалайди, қон кўпайиб кетишидан сақлайди. Бу қонашларни тўхтатиш соғлиққа зарар келтиради. Қонаш орқали ташқарига чиқмай қолган ортиқча ва захарли моддалар вужудда тўпланади ва менингит, ўрта ва ички қулоқ яллиғланиши каби яллиғланиш касалликларига, ангина, ревматизми, буйрак яллиғланиши касалликлари, парапроктит ва юрак хасталикларига, ҳатто сил (туберкулёз), садаф (псориаз), пес (витилиго), ўпка саратони (раки) ва моховга сабаб бўлиши мумкин. Ҳар ой 100-150 гр. ҳатто баъзи шароитларда 250-300 гр. қон йўқотилиши зарарли эмас, фойдалидир.

Ҳожамот - тикилган ва энг кўп зарарли модда тўпланган жойлардаги ингичка ва капиляр томирлардан қон олинишидир.

Қатта томирлардан қон олдириш ҳам бор. Мисол учун, ўнг тирсақнинг венасидан қон олинса - жигар, чап тирсақнинг венасидан қон олдирса - талоқ касалликларига фойда бўлади.

Лекин беморга қон берилиши ва донорлик таҳликаси эмасдир.

Бу ерда унитилмаслиги керак бўлган нарса - қоннинг ҳаром бўлгани ва ҳеч бир шаклда қўлланмаслик лозимлигидир. Қуръони Қаримда - “ҳаром”, илмиҳолларда - “нажосат” дейилган қон инсонга қандай шифо бўлиши мумкин? (Қаранг: “Бақара”, 173, “Моид”, 3, “Анъом”, 145).

Бизга «Оллоҳ ўлмаслик учун бир оз қон истеъмол қилишга изн берган-ку?», дейишлари мумкин. Бу саволга жавоб беришдан олдин, ҳазм жараёнининг тўрт босқичдан иборат эканлигини эслатишимиз керак: биринчи ҳазм - оғизда, ошқозонда, ичакларда, иккинчи ҳазм - жигарда, учинчи ҳазм - қонда, тўртинчи ҳазм ҳужайраларда содир бўлади. Ҳар қандай ҳаром овқат - агар у оз миқорда, ўлмаслик учун ейилган бўлса - илк учта ҳазмда энг хавfli зарарлардан тозаланади ва тўртинчи ҳазмга мумкин қадар тозаланган ҳолда келади. Яна бир муҳим ҳусус шундаки, ҳар ейилган лукма учта ҳазми кечиб, тўртинчи ҳазмда ҳужайраларнинг митохондрияларида электромагнетик тўлқинлар ишлаб чиқаради, бу - ислом дини нуқтаи назаридан - Оллоҳга зикрдир. (18 минг оламдаги бутун қонли ва қонсиз борлиқлар Оллоҳни давомли ва мажбурий зикр қиладилар. Фақат инсон зотига, Оллоҳни зикр этиш ёки этмаслик ихтиёри берилган.

Инсон бир нафс ўлароқ, Оллоҳни зикр этмаслиги мумкин, аммо унинг баданидаги бутун ҳужайралар, 18 минг олам борлиқлари каби, давомли ва мажбурий зикрадилар).

Энди, «Оллоҳ ўлмаслик учун бир оз қон истеъмол қилишга изн берган-ку?», деган эътирозга жавоб берамиз: Оллоҳ бизга қонни 1-нчи ҳазмга, яъни оғиз йўли ила олишга изн бергандир. Агар бегона 1-нчи ва 2-нчи ҳазмларни ҳағлаб ўтиб, тўғридан-тўғри қон томирларига, яъни 3-нчи ҳазмга юборилса, қон ҳужайраларга ҳаромдан тозаланмаган ҳолда боради, натижада, ҳужайралар Оллоҳга зикр хусусиятини йўқотади. Емақдаги ҳалол ва ҳаромнинг ҳикмати будир.

Бир қимса ҳаром қонга тилининг учини текисса, қиймат қони манглайида “Бу одамнинг Аллоҳ раҳматидан умиди йўқдур”, деган ёзув билан тирилади. (Ибн Аббос (р.а.)’дан, Рамуз ал Ҳадис) Пайғамбаримиз (с.а.в.) қон олдириганда, чиққан қоннинг тупроққа кўмилишини амр этган: “Шу тўрт нарсани тупроққа кўминг: қонни, тирноқларни, сочларни, чақалокнинг киндик боғи билан биргаликдаги йўлдошини.” Қонсизлик ва қон кетишини қон алмаштириш ва кўп ейиш эмас, балки уч қулик очлик, яшил япроқли сабзавотлар ва ҳожамот билан даволайди.

Ҳожамотнинг фойдалари

Ҳожамот орқали капиляр томирлардаги тикилишлар очилади. Қондаги ва тўқималардаги захарли моддалар ва газларнинг қон йўқотиш билан чиқиши, қон олдириш амалга оширилган жой томирларидаги қон оқимини жонлантиради. Қон олдириш тўқималарнинг озикланиши ва кислород олишини оширади, қотган жой ва шишларни кеткази. Қон олдириш қон ишлаб чиқаришга масъул бўлган аъзолари (суяк илиги, жигар, талоқни) рағбатлантиради, иммунитет тизимини қувватлантиради, вужудга қувват беради, оғриқларни кеткази, касалликларнинг олдини олади. Камқонлик - бел торғиб қолиши, бўғим ва бош оғриқлари, бел, бўйин чуррасига (грижасига) ва туз йиғилишига боғлиқ оғриқлар, талоқ, жигар хасталикларига, инфекциялар, асаб, рухий ва бошқа турли касалликларнинг давосида, ич қонашини тўхтатишда энг қатта кўмакчи. Афсуски, мамлакатимизда қон олдириш, банка қўйдириш, доялик (акушерлик) ва зулук билан даволаш йиллар давомида хўрланди, камситилди, таъқиқланди ва бу масалаларнинг йўқ бўлиш ҳавфи вужудга келди. Америка ва Европада бу санъатлар устида изланишлар олиб борилмоқда ва бу тадқиқотлар “замонавий тиббиётнинг янги изланишлари” бўлиб, ўз она ватанига, Шарққа қайтиш арафасида турибди. Иншааллоҳ, хорижий маркалар остида таклиф қилинган ўз адриятларимизга, лоақал шу йўл билан эришамиз.

Қон олдиришни таъқиқлашнинг юзаки сабабларидан бири “юқумли касалликларнинг кўпайиши” кўрқинчидир. Ҳолбуки, бу услуб камчиликсиз ва мукамал бир услубдир. Бунда хасталикнинг юқишига имкон йўқ, чунки қон ташқарига симб чиқаркан, юқумли микроблар ҳеч бир шаклда ичкарига қираолмайди. Ланцет (наштар) ва банкада юқумли ва захарли модда бўлса, у ҳатто вужудга киришга ҳаракат қилса ҳам, оқаётган қон уни ташқарига чиқариб ташлайди. Қон олдириш тугагандан сўнг, кесилган жойларга тегмасдан, қоннинг қуришини кутиш лозим. Қонни артмоққа, кесилган жойларга антисептик қўллашга, маз суришга ва бинт билан ўрашга ҳожат йўқ. Чунки тоза кесиклар учун қоннинг ўзидан ҳам яхшироқ тозаловчи, тўхтатувчи, инфекциядан ҳимояловчи бирор дори йўқдир. Фақат кесиклар устида қондан вужудга келган қобикларни кўпормаслик, инфекцияларга йўл очмаслик лозим.

(Давоми кейинги бетда)

Давоми боши олдинги бетда
Хожамот вақти


Фавқуллодда ҳолатларда қон олдириш (хожамот) ҳар якшанба, душанба, сешанба ва пайшанба кунлари амалга оширилиши мумкин. Аммо қон олдириш учун энг мос вақт бўлаги ҳижри ойларнинг 17.-чи, 19-чи, 21-чи, 23-чи кунлари билан душанба ва пайшанба кунларидир. Чунки бу даврда вужуддаги барча ҳаётӣ қувватлар ҳаракатга келиши каби, барча зарарли моддалар ҳам кўзғалади.

Соат бўйича энг яхши вақт эса қуёш чиққандан кейинги 2-чи-3-чи соатлардир. Қон олдириш оч қоринга амалга оширилади.

Хожамот жойлари

Бош орқаси, энгса (жон сақловчи): руҳий касалликлар, психологик муаммолар, қулоқ оғриғи ва шанғиллашига, бош оғриғи ва айланишига, яра, эгзема, учук, садаф (псориаз) ва соч тўкилишларига, кўз ва кўз қовоқлари, оғиз, тиш, тиш мил-клари ва бурун касалликларига яхши бўлади. Янги бошланган катаракта (парда тортиши) учун жуда фойдали, фақат эски катаракта учун зарарлидир. Энгса чуқурининг паст қисми (бўйин): кўз ва кўз қовоғи хасталикларига (говмичча, кўз қовоғи оғриқлари ва шиши), оғиз хидланишига, тиш ва тиш милиги хасталикларига, тиродид ва лимфа беши хасталикларига; Кулоқларнинг паст қисми ва бироз орқа томони: қулоқ, бурун, томоқ ва кўз хасталикларига, олд тишлар ва қозик тишларига, бош оғриқларига, жигар ва сафро қосаси (ўт пуфағи) санчикларига, бош титрашига; Елкалар: жигар касалликлари ва юқори қон босими, бош оғриғи ва айланиши, кепак (қазғок), соч тўкилиши, бўйинда туз йиғилиши ва чурраси (грижаси), қўл-елка оғриқлари, гормон мувозанатсизлиги-га; Курак чуқурлари ораси (ўта ўрта эмас, бир оз юқори қисми): ўпкалар, юрак, ошқозон ости беши ва сафро қосаси (ўт пуфағи) касалликларига; Курак чуқурларининг пастки қисми: бел оғриғига ва чуррасига (грижасига), қорин оғриғига, ошқозон ва жигар касалликларига; Бел: сийдик тута олмасликка, бел оғриғи ва чурраси (грижаси), бўйрак ва аёл-эркак (жинсий) касалликларига; Дум суяги: простатит, фил касаллиги, бавосил (геморрой) ва ҳайз тартибсизлиги-га; Тиззаларнинг устки ва пастки қисмлари, (ички ва ташқи қисмлари): тиш оғриғи ва тиш касалликларига, ҳайз тартибсизлиги, бавосил, веналар кенгайиши, болдир ва оёқ яраларига, ошқозон, жигар, сафро қосаси (ўт пуфағи) ва буйрак хасталикларига; Болдирлар (орқа қисми): юқори қон босими, садаф, фил касаллиги, сийдик йўллари ва буйрак касалликларига, бош оғриғига, болдир ва оёқ

ҲОЖАМОТ



оғриқларига ва ўша ерлардаги яралар-га; Тўпикнинг ташқи қисми: куймуч асаб толасининг яллиғланишига, вена кенгайиши, бод ва фил касалликларига; Тўпикнинг ички қисми: ҳайз тартибсизлиги ва бавосилга қарши жуда яхши восита.

Эслатма:

Қон олдиришнинг энг яхшиси касалликдан олдин амалга оширилган қон олдиришдир. Оғир кечадиган касалликларда эса ё касаллик бошланганда, ёки шиддаги қамайган ва оташи сўна бошлаганда қон олдирилади. Сурункали ҳазмсизликдан шикоят этувчилар аввал ҳазм тизимини яхшилаши ва сўнгра қон олдириши даркор. Киши биринчи марта қон олдирилса, ҳаммомдан сўнгра амалга оширилмайди, икки соат кутиш лозим. Қони қуюқ ва ёпишқоқ бўлганлар учун ҳаммомдан чиқиб қон олдиришлари керак. Икки чуқурдан, яъни энгса чуқури ва лиқилдоқдан қон олдирилмайди. Бу амалга оширилса, паршон-хотирлик ва ҳатто жинниликка сабаб бўлиши мумкин. Бош орқасидан, энса чуқурининг паст қисмидан (бўйиндан), қулоқ орқасидаги жойлардан тез қон олдирилмайди. Акс ҳолда бу кўришнинг заифлашувига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатда қон олдириш аввалига 2 ҳафта ораси билан 2-3 марта, сўнг ойда бир 2-3 марта амалга оширилиши мумкин.

Эски катарактада (кўз гавхарининг хиралашуви, парда тортишида) ва кўз амалиётдан сўнг бош орқасига, энса чуқурининг паст қисмига ва қулоқ орқасига махсус ҳолатлардан ташқари қон олдирилмайди. Органларини алмаштирган кишиларга, диализ ва гемофилия касаллига йўлиққанлар қон олдирилмайди. Қорни тўқ бўлганларнинг қон олдириши мумкин эмас.

Куйган жойлардан, эгзема, вена кенгайиши ва бошқа яраларнинг, холларнинг, пес (вителиго) доғларининг устидан қон олинмайди. Бардам ва қувватли бўлганлардан ташқари, 60

ёшдан ошганлар ҳаётида ҳеч қон олдирилмаган бўлсалар, қон олдирилмайди. Ҳайз кўрган аёллар ҳам қон олдирилмайди. Сабаблари: 1) таҳоратсиз бўлганлари учун, 2) қон олдириш ҳайз қонини ушлайди; қонаш билан чиқмаган қон бачадонда сиқилликлар пайдо қилиши мумкин. Айрим ҳолатлардан ташқари, ҳомиладор хотинларнинг ва 12 ойлик бўлганга қадар болаларнинг, қон олдиришга эҳтиёжи йўқ. Ўзига хос вазиятга эгаларга, мисол учун, сунъий санчик ва қоринни ёриб бола олиш орқали тукқан, мия функциясида бузуқлик бўлган, кўр ва ғилай бўлган болаларга, аввалдан қорни ёриб бола олинган ёки ҳар қанақанги бир амалиётни бошидан кечирган ҳомиладор аёлларга қон олдириш тавсия этилади. Лекин авваллари ҳар янги туғилган чақалоқнинг дум суягидан қон олдирилари, бу нарса туғилишда пайдо бўлган мия шишларини умуртқа суюқлигига сўрилириб, миянинг тинч ишлашини таъминлар эди. Балки шу сабабдан аввалги замонларнинг болалари бугунги болаларга нисбатан анча тинч ухлашарди, итоаткор, хушмуомала ва ақлли бўлишарди. Хожамот тугагандан сўнг кесикларга тегмаслик ва қонларни артмаслик керак. Бирок қон тўхтагандан ва кесиклар устида қобиклар пайдо бўлгандан сўнг яралари қуруқ бинт билан ўраш мумкин.

Айниқса, кесиклар устидаги қобиклар артилмайди ва инфекция тушишига йўл қўймастик учун қон олдиришдан кейинги 24 соат ичида ҳаммомга қирилмайди. Қон олдирилгандан сўнг 1-2 соат овқат ейиш ва ухлаш мумкин эмас.

Қон олдириш вақтида бекорга гаплашилмайди, телевизор кўрилмайди, қўшиқ тингланмайди.

Бу таъқиқларнинг баъзилари қон олдирувчини, баъзилари қон олаётганни ҳимоя этади. Барчаси жиддий ва муҳим таъқиқлардир.

Хожамотнинг баъзи сирлари бор-ки, ҳар кимга ҳам айтилавермайди. Шу сабабдан қон олдириш санъатини шу ишнинг усталаридан ўрганиш лозим.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош